VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

3 (220) ● 2013 йил 23 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, партия Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят Кенгашларида ўтказилган семинарларда электорат манфаатларини янада самарали ҳимоя этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.



2 СИЁСАТ

БУХОРО вилояти Когон шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида 1083 нафар ўқувчи олтмишдан ортиқ малакали ўқитувчидан илғор педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия олмоқда. Ўқув машғулотлари дебат, семинар-тренинг, интелектуал савол-жавоблар каби усулларда олиб борилаётир.



5 МАЪНАВИЯТ

ЎЗБЕК жанг санъати спортчига нафақат жисмоний, балки маънавий ва руҳий озуқа ҳам беради. Ушбу спорт турини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, улуғ аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни келажак авлодларга бекаму кўст етказиш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади.



8 НИГОҲ

## ХАБАРЛАР

### Долзарб мавзуга бағишланди

**Пойтахтимизда "Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Истеъдод" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда "Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг бугунги ҳолати ва истиқболлари", "Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижоди ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш", "Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшлар спортини ривожлантириш масалалари" каби бир қатор мавзуларда маърузалар қилиниб, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

### "Олтин қалам" VIII миллий мукофоти

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдаги йиғилиши 2013 йилда "Олтин қалам" VIII миллий мукофоти учун ўтказиладиган халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.**

Унда "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти халқаро танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг иш режаси тасдиқланди. Ишчи гуруҳи тузилиб, танловга тайёргарлик ва уни ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро танлов телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистикаси йўналишлари бўйича ўтказилади. Танлов ғолиблари учун 13 та мукофот таъсис этилган. Танловга тақдим этилган ижодий ишларни баҳолашда журналистлар олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда долзарб мавзулардаги энг ўткир, таҳлилий ва танқидий материалларга алоҳида эътибор қаратилади. "Олтин қалам" VIII миллий мукофоти халқаро танлови ғолиблари 3 май - Жаҳон матбуоти эркинлиги куни муносабати билан ташкил этиладиган тантанали маросимда эълон қилинади ва тақдирланади.

### "Асрлар садоси" тақдимоти

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси АҚШдаги йирик халқаро туристик кўргазмалардан бири - «New York Travel Show — 2013"да "Асрлар садоси" маданият фестивалининг тақдимотини ўтказди.**

Кўргазмага 20000 дан зиёд киши ташриф буюриб, туризмга оид янгиликлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Шу куни Фонд форумнинг "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали тўғрисидаги кенг қамровли ахборот ва фотосуратлари намойиш этилди. Қувонарлиси, бой маданий меросимиз ва миллий ҳунармандчилигимиз намуналари жойлаштирилган Ўзбекистон стенди доимо томошабинлар билан гавжум бўлиб турди.

## ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



# Ўзбек мўъжизалари кўргазмаси

**ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилди**

*Юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан халқимизнинг бой тарихий мероси, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларини қайта тиклаш ва тараққий топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиш юзасидан эътирофга молик ишлар амалга оширилди. Бу борада Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, сервис соҳасини ва туризмни ривожлантиришга кўмаклашиши устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада ҳудудий партия ташкилотлари томонидан турли тадбир, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

3-бет

## МУНОСАБАТ

# Ҳар биримизда ғурур туйғуси бор

**лекин бу туйғуни амалий ишлар билан мустаҳкамлаш керак**

Маълумки, 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида қайд этилдики, глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлигига қарамай, ўтган йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этди, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланиши таъминланди.

2012 йил якунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 7 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми — 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,9 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми — 14,2 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз маърузасида 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини бажариш бўйича дастурий вазифаларга атрофлича тўхталди.

Жорий йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан белгиланган мақсадлар ва вазифаларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни, аҳолининг иқтисодий ночор қатламларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш, ижтимоий соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаси Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларида чуқур ўқиб ўрганилмоқда. Газетамизнинг 2-саҳифасида ЎзМТДП вакилларининг ушбу маъруза юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

## ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ

# Ўзбекистон ифтихори — ёшлар даврасида

**иштирокчиларнинг спортга бўлган қизиқиши янада ортди**

*Мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишда фаол иштирок этишни партия ўзининг муҳим вазифаси деб билади.*

**ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасидан**

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ёш авлодни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етказишга кўмаклашиш, интеллектуал салоҳиятли йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада партия "Ёшлар қаноти" томонидан турли маънавий-маърифий тадбир, кўрик-танлов, давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.*

4-бет




## ҲАМКОРЛИК

*Экологик муаммолар нафақат муайян мамлакат ёки минтақа, балки жаҳон миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда сайёрамизда турли хил ёқилғилар учун ҳар йили 10,1 млрд. тонна кислород сарф бўлмоқда.*

# Экологик хавфсизлик

**уни таъминлашга кўмаклашиш ЎзМТДП мақсад ва вазифаларига мос ва ҳамоҳанг**

Қишлоқ хўжалигидаги ярокли ерларнинг 70 фоизи, чучук сувларнинг 20 фоизидан фойдаланилмоқда. Йилдан-йилга ўрмонлар камайиб, чўл зоналари кенгайиб, ҳаво ҳарорати кўтарилмоқда. Бундан ташқари дунё аҳолиси йил сайин кўпайиб, табиий захиралардан хўжалик мақсадларида янада кўпроқ фойдаланилмоқда.

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

**МУНОСАБАТ**

# Ҳар биримизда ғурур туйғуси бор

## лекин бу туйғуни амалий ишлар билан мустаҳкамлаш керак



**Абдурашид ТЎХТАБОЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан барча соҳадаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани боис кенг қамровли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мазкур муваффақиятлар замирида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва беш тамойилга асосланган ривожланишнинг “ўзбек модели” пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасида таъкидланганидек: “Глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди”. Ўзбекистон эришган бундай юксак марралар ҳар биримизга ғурур туйғусини бағишлайди, лекин Президентимиз таъкидлаганларидек бу туйғуни амалий ишлар билан янада мустаҳкамлашимиз керак.

Президентимиз Ислом Каримовнинг дастурий маърузаларини ўрганар эканмиз, партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлган кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни янада ривожлантириш лозимлиги, жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлиги ва улардан унумли фойдаланиш бугунги кун талабларидан эканлигини қайд этдилар. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришимиз ҳамда электорат манфаатларини рўёбга чиқаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Зеро, мазкур соҳалардаги ишларни янада жадаллаштириш борасида белгиланган вазифалар ижроси ички бозорларимизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлиги, улар турмушининг ободлигини таъминлаш имконини беради.



**Бахтиёр КУШАКАЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг билимли, заковатли инсонлар бўлиб камол топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишидаги маърузасида ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилди.

Эътироф этиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг маърузасида жорий йилда ҳам макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимизни рақобатдошлигини ошириш борасида бир қатор вазифалар илгари сурилди. Шунингдек, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор устувор йўналишлар белгилаб берилди. Бу ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий бозорни ривожлантириш сингари вазифаларга ҳамоҳангдир. Энг муҳими, Президентимиз таъкидлаганларидек, ўз меҳнати, ўз тадбиркорлиги билан даромад топаётган одам мустақил ва эркин бўлади. Болаларини ҳам шундай фикрда, шундай руҳда тарбиялайди. Юртимизда тинчлик-осойишталик бўлса, давлатимиз шу сиёсатни давом эттирса, ҳар бир одам мен ўз меҳнатим билан ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ишонч билан яшайди.

**Одилжон МАМАДАЛИЕВ, ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:**



— Истиқлол йилларида юртимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида мамлакатимизда демократик тараққиётни таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ислоҳотлар изчиллиги таъминланди. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳада эришаётган ютуқлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида эришилган натижалар чуқур таҳлил қилиниб, тараққиётимизнинг янги марралари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари: «Барчамиз, авваламбор, катта-кичик раҳбарлар бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим. Ҳар қайси оиладаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишига боғлиқдир», деб алоҳида таъкидлардилар.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари ва партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар ҳам давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган ана шу ва бошқа вазифаларни амалга оширишга ўзларини масъул деб биладилар.

Президентимиз маърузасида жорий йилда янги иш ўринлари ташкил қилишда, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Бу эса ЎзМТДПнинг ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдириш, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш сингари дастурий мақсадларига мос ва ҳамоҳангдир. Шу боис жорий йилда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ва ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорликда бу борадаги вазифаларни амалга оширишга кўмаклашишни янада кучайтиради.

# 2013 йил — Обод турмуш йили

**Сайфулла МАХМАТМЎМИНОВ, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:**

— Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фуқаролар онгида тиббий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг замонавий, юксак технологияларга асосланган тиббий ускуналар билан жиҳозлангани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Юртимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасида таъкидланганидек: “2012 йилда 108 та болалар спорти объекти, жумладан, 16 та сузиш ҳавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, мамлакатимиз ҳудудларида 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қарийб 1 миллион 600 минг бола ёки юртимиздаги болаларнинг 35,6 фоизи турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Тошкент шаҳрида халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий



“Бунёдкор” ва “Локомотив”, Бекобод шаҳрида “Металлург” футбол стадионлари бунёд этилди. Спорт кураши бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ташкил қилинди”.

Шу ўринда айтиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг муҳим қисмига айланди. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Жорий йилда мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш, маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, жамиятда меҳр-мурувват ва юксак тиббий маданиятни ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда Президентимиз маърузаси дастуриламал бўлиши шубҳасиз.



**Дониёр ТОШБОЕВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи:**

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: “2013 йилда ҳам Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинади. Унинг харажатлар қисмининг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган. Жорий йилда мутаносиб қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш давом эттирилади, инфляция кўрсаткичлари 7-9 фоизни ташкил қилади, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиз даражасида сақланади”.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Боиси айнан мазкур институт давлат ва жамият ўртасида холис воситачи вазифасини бажаради. Қолаверса, бугун ривожланган ахборот технологиялари асрида яшаяпмиз. Яъни ҳозирги даврда медиа тизимига нафақат давлат томонидан балки, фуқаролар, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан ҳам қизиқиш ва ахборотга бўлган эҳтиёж ниҳоятда баланд. Президентимиз маърузасида “Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур” деб таъкидладилар. Шунингдек, ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Маълумки, ЎзМТДПнинг мақсад ва вазифалари ҳамда сайловолди Платформасида мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис жорий йилда кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига алоҳида масъулият юкланади.

**ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА**

# Электорат манфаатлари

## уни янада самарали ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, партия Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят Кенгашларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир” мавзусидаги маърузаси юзасидан “Обод турмуш йили”да электорат манфаатларини янада самарали ҳимоя этишда ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг долзарб вазифалари” мавзусида семинар ташкил этилди.***

Семинарларда маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти борасида атрофлича тўхталиб ўтдилар, деб таъкидлади. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида эришган барча ютуқ ва марралари, иқтисодиётининг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам ҳаётий асосга эга эканини яққол намоён этади. Президентимиз 2013 йилни мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилдилар. Алоҳида таъкидлаш жоизки, буни партиямизнинг



барча даражадаги ташкилотлари, депутатлари, партия аъзолари ва хайрихоҳлари кўтаринки руҳ ва мамнуният билан қарши олди. Зеро, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган барча соҳалар ривожига кўмаклашиш ЎзМТДП дастурий мақсадларидан саналади.

***Бахтиёр АБДУРАҲМОНОВ, ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:***

— Президентимиз 2013 — “Обод турмуш йили” муносабати билан қабул қилинадиган давлат дастурининг устувор йўналишларига эътибор қаратди. Давлат дастурида белгиланиши кўзда тутилаётган Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ҳамда миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш, миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этадиган халқ фаровонлигини ошириш, Ватан равнақи ва юрт тинчлигини таъминлаш каби азиз ва муқаддас тушунчаларни қарор топтириш халқимизнинг эзгу орзу-интилишларига тўла жавоб беради.

Тадбирда ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳам Юртбошимиз маърузалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Маърузада белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда партия депутатлик гуруҳлари олдида турган вазифаларни эътироф этдилар.

***Даврон САФАРОВ, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари:***

— Президентимиз маърузасида эътироф этилган инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, маҳаллани янада обод қилиш, аёлнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш каби бир қатор чора-тадбирлар ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар билан уйғун ҳамда ҳамоҳанг эканлиги янада аҳамиятлидир. Чунки партия дастурида белгиланганидек, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси давлатни янги халқаро шароитларда, геосиёсий воқеликда миллий манфаатларни рўёбга чиқариш, ҳимоя қилиш юзасидан амалий қадамларнинг тактик, стратегик мақсадлари, вазифалари замирида миллий тикланиш ва ривожланишнинг умумий мафкураси ва кенг қамровли дастури мавжудлиги — бизнинг муқаддас орзуимиз ва стратегиямиз бўлган — Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги — умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган йўлини қўллаб-қувватлайди. “Обод турмуш йили” муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастурининг ижросини таъминлашда ЎзМТДП ташкилотлари, барча даражадаги депутатларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатиб, турмушимизни янада фаровон бўлишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Тадбирда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг “Обод турмуш йили”да электорат манфаатларини янада самарали ҳимоя этиш юзасидан чора-тадбирлари белгилаб олинди.

**ЎзМТДП МК Ахборот хизмати**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

## Ўзбек мўъжизалари кўргазмаси

**ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилди**

ЎзМТДП Андижон шаҳар Кенгаши томонидан "Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва асраб-авайлашда оиланинг роли" мавзусида оилавий тадбиркорлар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбирдан кўзланган мақсад миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, касаначилик билан шуғулланаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, тижорат банклари томонидан уларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилишига кўмаклашишдан иборат. Шунингдек, кўргазма "устоз-шогирд" анъаналарини давом эттириш ва ривожлантириш, бозорларимизни миллий маҳсулотлар билан бойитишга ҳисса қўшиш, партия электорати манфаатларини таъминлаш, қадриятларимиз давомчиларини рағбатлантириш мақсадида ўтказилди. Кўргазма доирасида тикувчилик, дўппидўзлик, ўймакорлик, темирчилик ва кулолчилик каби маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилди.



Тадбирда сўз олган ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари А.Абаев халқимиз қадим-қадимдан миллий ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари билан шуғулланиб, шу орқали турмуш фаровонлигини таъминлаганини эътироф этди.

— Мустақиллик шарофати билан миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор боис, бугунги кунда мазкур соҳа янгича аҳамият касб этди. Ўрни келганда айтиш жоизки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ўз электорати ҳисобланган ҳунармандлар манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага ёшларни жалб этишга кўмаклашиш борасида халқ усталари, ҳунармандлари ва мусаввирлари "Ҳунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Республика "Ҳунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида ўтказилган амалий семинарда 30 нафардан зиёд ҳунарманд ва оилавий тадбиркорларга тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар топширилди. Мазкур кўргазма ҳам ушбу йўналишдаги ишларимизнинг мантиқий давоми бўлиши шубҳасиз, - деди нотиқ.

Дарҳақиқат, миллий ҳунармандчилик ривожининг қонуний асослари ҳам яратилган бўлиб, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя, таклифлар ҳамда қонунчилик ташаббуслари бу борада қўлга киритилаётган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, тараққиётнинг янги босқичларига эришиш имконини бермоқда. Бу муҳим ҳужжатда, энг қувонарлиси, демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга оид долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Йиғилишда сўзга чиққан партия фаоллари жорий "Обод турмуш йили"да ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлашга кўмаклашиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди. Шунингдек, тадбир давомида ёш оилаларга тадбиркорликни йўлга қўйиш юзасидан мутахассислар ва банк ходимлари томонидан зарур маслаҳат ва маълумотлар берилди.

***Муҳаммаджон СОБИРОВ, ҳунарманд:***

— Ҳунармандчилик авлоддан-авлодга ўтиши билан бардавомдир. Миллий ҳунармандчиликнинг бешикчилик тури ота-боболаримиздан мерос бўлиб келмоқда. Биз ушбу касбнинг бешинчи авлодимиз. Бешикчилик алоҳида меҳр ва эътибор талаб этади. У билан шуғулланиш учун маҳорат билан бирга халқимизга хос болажонлик фазилати ҳам талаб этилади.

ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда иштирок этиб, ҳунармандлар ва оилавий тадбиркорларга таклиф этилаётган банк хизматлари ҳамда уларнинг афзалликлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлдим. Бу каби амалий семинарлар чекка қишлоқ ва маҳаллаларда оилавий бизнес, касаначилик ва миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши ҳамда кўплаб оилалар даромади ортишида муҳим аҳамият касб этади.

***Барчиной БАДАЛОВА, ёш ҳунарманд:***

— Мен зардўзлик билан шуғулланаман. Кўргазмада ўзим тиккан "Зардевор" билан иштирок этдим. Бугунги тадбирда ҳунармандчилик намуналарини кўриб, миллий ҳунармандчилигимиз тасаввур қилганимдан ҳам бой ва мукаммалроқ эканини англадим. Ушбу соҳага меҳрим янада ортди. Муайян тажриба ва кўникма пайдо бўлди.

ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбирлар миллий ҳунармандчиликнинг жадал ва кенг ривожланиши, янги иш ўринлари яратилишига замин яратади.

**Камола АБДУВАЛИЕВА,
ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби**

ЎҚУВ-СЕМИНАР

## Фаоллик ва ташаббускорлик

**ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим**

***Истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш устувор мақсад сифатида белгиланиб, бу борада салмоқли қадамлар ташланди. Хусусан, ўтган даврда сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириши учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.***

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Хоразм вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинар ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти таҳлилига бағишланди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўқув-семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилди:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий, мафкуравий ва ғоявий мақсадлари ҳақида гапирганимизда, аввало, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни сақлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, Ўзбекистоннинг глобаллашиб бораётган жаҳонда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш ҳамда биз фахрланадиган миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш тарафдори бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш сингари вазифалар кўз олдимизда гавдаланади. Ушбу вазифаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, унинг самарадорлигини оширишда партиянинг ҳудудий кенгашлари ва депутатлик гуруҳларидан катта масъулият талаб этилади.

Эътироф этиш жоизки, партиямизнинг ғоя ва мақсадларини кенг жамоатчиликка етказишда "Миллий тикланиш" газетасининг ўрни каттадир. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзоларининг бошқа мавзуга партиялараро рақобатни таъминлашга қаратилган мақолалари, миллий анъана ва қадриятларимизни қадрлашга ундовчи танқидий-таҳлилий чиқишлар ўқувчиларни мушоҳадага чорламоқда. Шу боис маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам таҳририят билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, ўзларининг таҳлилий мақолалари билан мунтазам иштирок этишлари муҳим аҳамият касб этади, - деди нотиқ.

Семинарда халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, маҳаллий кенгашлар сессиялари муҳокамасига партия ғояларига ҳамоҳанг ва электорат манфаатларига қаратилган масалаларни олиб чиқиш, депутатлик назорати ва сўровларини ўтказиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Якунда таклиф ва тавсиялар асосида партия Хоразм вилоят Кенгаши ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг навбатдаги режалари белгилаб олинди.

***Баҳодир БОБОЖОНОВ, ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:***

— Бугунги кунда халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган 66 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти партия ташкилотлари билан ҳамкорликда партиямиз сайловолди Платформасида кўзда тутилган масалаларни амалга татбиқ қилиш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан ривожлантириш, ҳудуд инфратузилмаси ва туризм салоҳиятидан келиб чиқиб, ЎзМТДП дастурий мақсад ва ғояларига ҳамоҳанг бўлган бир қанча ташаббусларни халқ депутатлари Урганч шаҳар ва вилоят Кенгаши сессиялари даражасида кўриб чиқиш белгиланди.

Қайд этиш жоизки, ўз вазифасини фақат сессия ва пленумларда иштирок этишдан иборат деб биладиган депутатлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатларга барҳам бериш, маҳаллий кенгашлар депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг партия ташкилотлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан узвий алоқасини йўлга қўйиш олдимизда турган долзарб вазифалардандир. Ўқув-семинарда ушбу масалалар муҳокама қилинганти айни муддао бўлди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

## Жамиятнинг фаол қатлами

**қуйи бўғин ўз фаолиятида ёшлар кўмагига таянади**

— ЎзМТДП Қува туман Кенгашида 611 нафар аъзони бирлаштирган 14 та бошланғич партия ташкилоти партия дастурий мақсадлари тарғиботи йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда, - дейди партия Қува туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ҳабибулло Рустамов. — Алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, тарғиботнинг янги ва замонавий усулларини излаб топиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш орқалигина маслакдошларимиз сафи янада кенгаяди. Бу масъулиятни чуқур англаб фаолият юритиш, айниқса, қуйи бўғинлар учун муҳим саналади. Шу боис, жорий "Обод турмуш йили"да ҳам мазкур қуйи бўғинлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш, партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш ҳамда аъзолар ва хайрихоҳлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш ниятидалар.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилотлари ЎзМТДПнинг асосий таянчи эканлигини ҳисобга олсак, бугун улар зиммасида улкан масъулият борлиги яққол намоён бўлади. Боиси, ҳар қандай партия нуфузи унинг қуйи бўғинлари фаолияти билан белгиланади. Қува туманидаги "Тошхон" бошланғич партия ташкилотини бу борада фаоллик кўрсатаётган қуйи бўғинлар сирасига киритиш мумкин. 60 нафар партия аъзосини бирлаштирган мазкур қуйи бўғинга халқ депутатлари Қува туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Баҳодир Холбеков етакчилик қилмоқда.

— Партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллаларда миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий бизнес билан шуғулланаётган оилаларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш фаолиятимизнинг мезонига айланмоқда, - дейди биз билан суҳбатда Б.Холбеков. — Партиямиз ғоялари бевосита турли соҳа вакиллари манфаатларини ифода этгани боис туманимизда ЎзМТДП хайрихоҳлари сафи кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, биз жамиятнинг қайноқ қатлами ҳисобланган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Боиси, улар жуда катта куч ва имкониятга эга. Ўтказаётган тадбирларимиз мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб ташкил этилаётгани эса сафимиз етакчи ёшлар ҳисобига бойишига хизмат қилмоқда.

Мазкур қуйи бўғин партия туман Кенгаши билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйган. Суҳбатдошимизнинг айтишича, депутатлик гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари ва партия ҳудудий кенгашлари алоқаси изчил йўлга қўйилсагина, депутатларнинг электорат билан ишлаш, жойлардаги сайловчиларни ўйлантираётган муаммолардан хабардор бўлиш имконияти кенгаяди.

Таъкидлаш жоизки, "Тошхон" бошланғич партия ташкилоти томонидан ЎзМТДП туман кенгаши ва халқ депутатлари туман кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусидаги расмлар танлови, "Хотин-қизлар ва ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш — ЎзМТДП эътиборида", "Ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда ЎзМТДПнинг ўрни" каби 30 га яқин тадбирлар шулар жумласидандир.

— Электорат ишончини қозониш ва эътиборини тортиш, улар манфаатларидан келиб чиқиб иш олиб боришни қуйи бўғиннинг асосий вазифалари сирасига киритганмиз, — дейди БПТ етакчиси. — Туман Кенгаши депутати ва қуйи бўғин етакчиси сифатида партия электорати бўлган ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, эркин фаолият олиб бориши учун кенг шароит яратиб беришга кўмаклашиш ва улар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни туман кенгаши сессиясига олиб чиқишимиз лозим. "Мустаҳкам оила йили"нинг мантиқий давоми сифатида бошланган "Обод турмуш йили"да режалаштирган лойиҳаларимиз амалий ишларга айланиши учун астойдил ҳаракат қиламиз.

— Партиямиз фаолиятида қуйи бўғинлар асосий ўрин тутишини инобатга олиб жорий йилда бошланғич партия ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этишни мақсад қилдик, - дейди партия Қува туман кенгаши раиси Ҳ.Рустамов. — Бу ўқувлар "Тошхон" бошланғич партия ташкилоти сингари самарали иш олиб бораётган қуйи бўғинлар фаолиятини оммалаштиришга, шунингдек, тумандаги барча БПТлар ўзаро тажриба алмашишига имкон яратиши шубҳасиз.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

ХРОНИКА

## Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик

**уни ривожлантиришга кўмаклашиш ЎзМТДП дастурий мақсадларидан саналади**

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Ўзбек халқи азал-азалдан миллий ҳунармандчилик ва касаначиликнинг турли йўналишлари билан мунтазам машғул бўлиб келган. Кўпгина уй-рўзғор буюмлари, тақинчоқлар ва бошқа маҳсулотлар халқимизнинг қўл меҳнати билан яратилган.

ЎзМТДП Ҳамза туман Кенгаши ташаббуси билан "Маҳаллаларда касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия Тошкент шаҳар ва Ҳамза туман Кенгаши ходимлари, тумандаги ҳунармандлар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирда ЎзМТДП Ҳамза туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Н.Йўлдошева сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда ҳунармандчилик ва касаначиликнинг ривожига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Аждодлардан мерос миллий ҳунармандчиликнинг унутилаётган йўналишларини қайта тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш партия дастурий мақсад ва вазифаларида белгилаб қўйилган. Ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан саналади. Шундай экан, ҳунармандларнинг қўл меҳнати маҳсулларини намойиш қилиш орқали ёш авлодни миллий анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш партиянинг тарғибот воситаларидан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз томонидан 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб номланиши замирида катта мақсад ва вазифалар мужассамлашган. Дарҳақиқат, турмушимизнинг ободлиги фуқароларнинг меҳнат билан бандлигига ҳам боғлиқдир. Шу маънода маҳаллаларда касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш чора тадбирларини излаб топиш ва кенг йўлга қўйиш лозим, — деди нотиқ.

Таъкидланганидек, давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фуқаролар, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда миллий ҳунармандчилик йўналишларига таянилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, "Обод турмуш йили"да Ватанимизнинг янада юксалиши йўлида маҳаллаларнинг фаоллигини ошириш, аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлашга кўмаклашиш муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилди.

### БУХОРО

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Шофиркон туман Кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида вояга етмаган ёшлар ўртасида халқимизнинг қадимий миллий спорт тури бўлган кураш бўйича вилоят очиқ чемпионати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси ходимлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилоят филиали, маданият ва спорт ишлари туман бўлими, туман кураш федерацияси, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда Ғиждувон, Шофиркон ва Вобкент туманларидан келган ёш курашчилар иштирок этди.

Мусобақани ЎзМТДП Шофиркон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Э.Ҳасанов кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда мамлакатимизда спортнинг барча турларини ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар яратилаётганини таъкидлади:

— Тинч, осуда, фаровон юртимизда барча соҳалар қатори спорт йўналишида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир ўғил-қиз ўзи қизиққан спорт тури билан эркин шуғулланиши, маҳоратини намоён этиши мумкин. Бугунги мусобақа ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ўсмирлар ўртасида миллий курашни янада ривожлантириш, вилоят терма жамоасига иқтидорли ёш курашчиларни саралаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёшларимизни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, спорт соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш каби вазифаларга ҳамоҳангдир.

Эътироф этилганидек, спорт мамлакатни жаҳонга танитишнинг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Ватан номи ва халқ шуҳратини дунёга тараннум этишда унинг ўрни беқиёсдир. Нуфузли халқаро мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар ҳам мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшмоқда.

Ўзбек миллий кураши тобора дунёга юз тутиб бормоқда. Уни бошқаришда ишлатиладиган ўзбекча ҳалол, чала, ёнбош каби сўзлар бизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ушбу миллий спортимизни янада ривожлантиришга, уни ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш ЎзМТДП дастурий мақсадларидан эканлиги таъкидланди.

Гиламда 180 дан ортиқ ёш полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан медал, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

### НАМАНГАН

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Норин туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан "Обод турмуш йили" муносабати билан давра суҳбати ташкил этилди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия туман Кенгаши ходимлари, туман тиббиёт коллежи ўқитувчилари, партия фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида халқ депутатлари Норин туман Кенгаши депутати М.Бобожонова сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади:

— ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда партиямиз томонидан ўтказилаётган тадбирларда ёшларни ватанпарварлик руҳида бирлаштириш ғояси ётади. Жорий "Обод турмуш йили"да ҳам ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиши, бу борада партия фаолларига ҳам улкан масъулият юклайди.

Тадбирда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни янада кенгроқ тарғиб қилиш, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик, юрт тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси билан вояга етказиш, уларнинг маънавий оламини юқори даражага кўтаришда ЎзМТДПнинг ёрқин лойиҳаларини кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

# ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

**ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ**



## Ўзбекистон ифтихори — ёшлар даврасида

**иштирокчиларнинг спортга бўлган қизиқиши янада ортди**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, “Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида” мавзусидаги лойиҳа спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ёш авлод ўртасида тарғиб этиш, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортимиз ифтихорлари билан бевосита мулоқот қилиш имконини бермоқда. Навбатдаги учрашув “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи”, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвонлари соҳиби, дзюдо бўйича XXX ёзги Олимпия ўйинлари бронза медали совриндори Ришод Собиров иштирокида бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, партия Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, спорт усталари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари А.Эшмуродов Ўзбекистонда спортни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, соҳани янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталиб ўтди:

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш йўлида юртимизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2012 йил давомида 168 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди ва бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 млн. 600 мингдан зиёд болалар спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди. Замонавий кўринишдаги стадионлар, спорт заллари, сузиш ҳавзалари, енгил атлетика, минифутбол, қўл тўпи, баскетбол, волейбол майдонлари, теннис кортлари каби спорт масканлари ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз спортини ривожлантиришга кўмаклашиш ва соҳа ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида устувор вазифа сифатида белгиланган. Ўйлаймизки, ушбу мақсадларни амалга оширишда партия “Ёшлар қаноти” томонидан ташкил этилаётган қатор тадбир ва давра суҳбатлари муҳим аҳамият касб этади, — деди нотиқ.

Йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзолари жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, баркамол авлодни вояга етказишда спортнинг аҳамияти беқиёс эканлигини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, тадбирда таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини ўтиш, тўгараклар ва секциялар фаолияти, спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг инфратузилмасини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлигига урғу берилди.

Учрашувда “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби, дзюдо бўйича XXX ёзги Олимпия ўйинлари бронза медали совриндори Ришод Собиров сўзга чиқиб, юртимизда спортга қаратилаётган эътибор ҳақида гапирди:

— Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шаҳару қишлоқларимизда бир-биридан кўркам ва замонавий спорт мажмуалари бунёд этилиб, соҳа мутахассисларининг салоҳиятини ошириш, мураббийларни моддий-маънавий рағбатлантириш учун барча шарт-шароит яратилди. Бу, ўз навбатида, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, жаҳон ареналарида диёримиз нуфузини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқишига замин ҳозирлади. Ишонч билан айта оламанки, юртимизда яратилган кенг имкониятлар ёшларимизнинг бундан-да юқори чўққиларга эришишига замин бўлади. Бугун ЎзМТДП томонидан ташкил этилган давра суҳбати ёшлар билан юзма-юз бўлиб, халқаро мусобақалардаги таассуротларим ва тажрибаларимни улар билан баҳам кўришга имкон берди, — деди спортчи.

Тадбирда иштирок этган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Учрашув якунида бир гуруҳ ёшларга ЎзМТДПнинг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

***Урал ХАИТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Спорт ҳар бир миллат ва халқнинг ўз салоҳиятини намоён этиши, ғурур ҳамда ифтихорини юксалтиришда самарали ва таъсирчан восита саналади. Қолаверса, жисмоний тарбия ва спорт инсонпарварлик ҳамда бирдамлик ғояларини илгари сурувчи тинчлик элчисидир. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан спортни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бунинг меваси сифатида мустақиллик тенгдошлари қатор ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан ҳисобланади. Партия томонидан ўтказилаётган қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ушбу мақсад-вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

***Акбар АБДУРАИМОВ, ЎзМТДП Сирғали туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси:***

— Бугунги учрашувда Ватанимиз ифтихори, халқимизнинг севимли фарзанди, дзюдочи Ришод Собиров билан самимий суҳбатлашдик. Унинг эришган ютуқлари, ўзбек спорти ҳақидаги илиқ фикрлари тадбир иштирокчилари, хусусан, ёшларда катта таассурот қолдиргани шубҳасиз. Спортчи эришган ютуқлар замирида мамлакатимизда яратилган мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, доимо миллий ғурур ва ифтихор туйғулари билан ҳаракат қилиш ҳамда ватанпарварлик ҳисси ётади.

Ватанпарварлик ЎзМТДП позициясининг туб моҳиятини ташкил этади. Шу маънода партия томонидан бу каби учрашувларнинг мунтазам равишда ташкил қилиниши айни муддао бўлади.

***Жасур МАТЧОНОВ, иштирокчи:***

— Тенгдошларимиз халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарганида беихтиёр қалбимизда ифтихор туйғулари жўш уради. Ватандошларимизнинг улкан ғалабаси барчамизни бирдек қувонтиради. Улар эришаётган ютуқлар замирида, албатта, давлатимиз эътибори ва ғамхўрлиги ётади. Биргина уч босқичли — “Баркамол авлод”, “Умид ниҳоллари” ва “Универсиада” спорт мусобақаларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу босқичларни босиб ўтган ёшлар Осиё ва жаҳон чемпионатларига номзод сифатида етишиб чиқадилар.

ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбир иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди. Спортчининг эришган ютуқлари, унинг янада ғайрат ва шижоат билан интилишини эшитиб, спортга бўлган қизиқишимиз ортди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири**

**ҲАМКОРЛИК**

*Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир.*

Ислом КАРИМОВ

## Экологик хавфсизлик

**уни таъминлашга кўмаклашиш ЎзМТДП мақсад ҳамда вазифаларига мос ва ҳамоҳанг**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Техника ва саноат корхоналари атроф муҳитга салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Пировардида дунё миқёсида экологик муҳит ёмонлашиб, турли хил касалликлар келиб чиқмоқда. Атроф муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, экотизимдаги экологик алоқаларнинг бузилиши глобал муаммога айланиб бормоқда.

Табиат билан жамият ўзаро узвий алоқа ва чамбарчас боғлиқликда ривожланади. Бу узвийлик ва ўзаро таъсир табиатнинг умумий қонуниятларига мос келиши, ўзаро тенг мувозанатда бўлишни талаб этади. Акс ҳолда табиий мувозанат бузилади, қатор салбий ҳолатлар, тирик мавжудотлар ҳаётида катта хавф-хатар юзага келади. Шу боис, табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш лозим. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиши, аҳолининг юксак даражада турмуш кечириши, саломатлиги ва миллий хавфсизлиги ҳам табиий экотизимларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Атроф муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида юзага келадиган мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатларни ҳал этишда қонун ҳужжатларининг роли ва аҳамияти беқиёс.

Мамлакатимизда сўнгги 20 йил мобайнида атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчилик тизими босқичма-босқич янгиланиб, такомиллашиб, ҳуқуқий база вужудга келди. Айни пайтда бу соҳада қарийб 30 га яқин қонун, 300 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган, фуқароларнинг мақбул атроф муҳитга бўлган ҳуқуқини кафолатлайдиган қатор халқаро конвенция, шартнома ва битимлар имзоланди. Шунингдек, жаҳон парламентаризми тарихида илк бор Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та депутатлик ўрни квота орқали берилди, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлик гуруҳи шакллантирилди. Уларга юксак минбардан туриб экологик масалаларга оид қонунларни янада такомиллаштириш, янги қонунлар қабул қилиш ҳамда ижросини назорат қилиш каби ваколатлар берилди. Инчунун, бу улар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда Парламентнинг қуйи палатаси депутатлари томонидан атроф муҳит муҳофазасига доир қабул қилинган қонун ва Давлат дастурлари ижросини таъминлаш, бу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини ошириш, амалдаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”-ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида изчил фаолият амалга оширилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчан энергия манбалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”-ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда.

Эътироф этиш жоизки, ушбу қонун ижодкорлиги жараёнида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи билан ҳамкорликда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Масалан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа экологик муаммоларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим давлат дастурлари ва бошқа экологик муаммоларни ечишдаги роли ва ўрнини аниқлашга йўналтирилган “Экологик назорат тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёнида ЎзМТДП фракцияси аъзолари фаол иштирок этдилар. Бундан ташқари чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиги, атроф муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида фойдаланилишини таъминлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги қонун лойиҳаси, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, биологик ва бошқа табиий ресурсларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни таъминлаш, атроф муҳитнинг ифлосланиш ва бузилишдан муҳофаза қилишга доир ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини янада такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни лойиҳаси борасида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин. Шунингдек, санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, инсоннинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва такрор етиштириш борасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни лойиҳаси ҳамда ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисидаги масалаларда қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам ЎзМТДП фракцияси аъзолари фаоллик кўрсатишга интилмоқдалар. Ўз навбатида фракция аъзолари томонидан келгусида ишлаб чиқилиши кўзда тутилган бир қатор қонунларнинг концепциялари ва лойиҳалари устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

**ЎзМТДП сайловолди Платформасида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг буюк келажагини таъминлаш учун миллий бойлик ва қадриятлар — ер, сув, моддий-маданий бойликлар, миллий-маънавий анъана ва урф-одатларни асраш учун фуқаролик масъулиятини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон табиатига, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаб муносабатда бўлиш, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишни таъминлаш, экологик хавфсизлик, айниқса, миллатнинг соғлиги ва генофондини ҳимоя қилишга кўмаклашиш каби вазифалар белгиланган.**

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, табиатга бўлган инсоний муносабат халқимиз маънавий юксаклигининг ажралмас қисми ҳисобланади ва асрлар оша шаклланган анъаналари, урф-одатлари ва миллий қадриятларида ҳам яққол намоён бўлади.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг буюк келажагини таъминлаш учун миллий бойлик ва қадриятлар — ер, сув, моддий-маданий бойликлар, миллий-маънавий анъана ва урф-одатларни асраш учун фуқаролик масъулиятини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон табиатига, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаб муносабатда бўлиш, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишни таъминлаш, экологик хавфсизлик, айниқса, миллатнинг соғлиги ва генофондини ҳимоя қилишга кўмаклашиш каби вазифалар белгиланган. Шу боис парламентдаги фракциямиз аъзолари бу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш билан бир қаторда миллий маънавиятимизга таянган ҳолда экологик мафкура, таълим ва тарбия тизимини янада ривожлантиришни устувор вазифалардан, деб ҳисоблайди.

**Мавжуда РАЖАБОВА, Жуманазар ОТАЖОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзолари**

**ТАДБИР**

## Маънавий юксаклик

**ёт таъсирлардан ҳимояланишнинг ёрқин воситаси**

***ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши ва туман Маънавият тарғибот бўлими ҳамкорлигида “Ёшларни “оммавий маданият” таъсиридан асрашда ЎзМТДПнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия туман кенгаши аъзолари, туман Маънавият тарғибот бўлими ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази мутахассислари, партия фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Тадбирда сўзга чиққанлар “оммавий маданият” тушунчасига изоҳ бериб, унинг салбий оқибатлари, айниқса, ёшларимиз онгига таъсири хусусида тўхталиб ўтдилар. “Оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган турли ёт ғоялар халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига путур етказиб, хатарли таҳдид солмоқда.

— Дарҳақиқат, “оммавий маданият” хуружига қарши фарзандларимиз онгида ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришимиз, уларни миллатимиз тарихи, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашимиз лозим, - деди ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Мансур Юнусов. — Зеро, ёш авлод келажагимиз пойдевори. Уларни юртга садоқатли, меҳр-оқибатли, халқпарвар, миллий руҳда тарбиялаб, вояга етказишга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан саналади. Шундай экан, ёшлар маънавиятини юксалтиришга кўмаклашиш партия фаолларидан ҳам масъулликни талаб этади.

Таъкидланганидек, Ватанга муҳаббати кучли бўлган, ўзининг ўтмиши, тарихини яхши билган инсон “оммавий маданият” тузоғига тушиб қолмайди. Қолаверса, бунда оила ва ота-оналарнинг ўрни беқиёсдир.

— “Оммавий маданият” маҳсулотлари ёшлардан чуқур фикр-мулоҳаза юритишни талаб этмайди, аксинча, уларни ҳаёт ташвишларидан, турмуш муаммоларидан “халос” этади, ўқишга, билим олишга эмас, балки бир марта бериладиган ҳаётда “яшаб қолиш”га чақиради, - деди республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Оллоёр Бобонов. — Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади ва “оммавий маданият” муаллифлари айнан ана шу аудиторияни нишонга олаётгани маълум. Шундай экан, ёш авлодни бу ёвуз кўланкадан асраш ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Эътироф этилганидек, “оммавий маданият” хуружи миллатни миллийлигидан мосуво қилиши билан ҳам хатарлидир. Бу таҳдид натижасида одоб-ахлоқ мезонларига путур етаётгани, беҳаёлик ва зўравонликнинг авж олаётгани бугун дунё аҳлини ташвишга солмоқда.

Тадбир давомида намойиш этилган «Миллат руҳи», «Ақл чироғи», «Мангу жилолар» каби ҳужжатли фильмлар иштирокчиларда «оммавий маданият»нинг қанчалик хатарли эканлиги ҳақида тасаввур уйғотди.

**Ўз мухбиримиз**

# МАЪНАВИЯТ




## Баркамол авлод — тараққиёт омили

*Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида ёш авлод жаҳон андозаларига мос, чуқур билимли, юксак маънавиятли, баркамол бўлиб камол топиши учун барча шароит яратилган.*

*Мазкур мактабда бугунги кунда 1083 нафар ўқувчи олтмишдан ортиқ малакали ўқитувчидан илғор педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия олмоқда. Ўқув машғулотлари юқори савияда, дебат, семинар-тренинг, интелектуал савол-жавоблар каби усулларда олиб борилаётир. Фан кабинетлари, компьютер хоналари, кутубхона, лаборатория ва синфхоналар замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Спорт инвентарлари билан жиҳозланган спорт залида жисмоний тарбия машғулотлари самарали ўтказилмоқда.*

*Мактабда фан, спорт, ҳунар, санъат йўналишларида кўплаб тўгараклар ташкил қилинган. Уларда ўқувчилар дарсдан бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказиб, танлаган йўналашларига оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаётир.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

● ҚАДАМЖО

## Работи Малик карвонсаройи

### Буюк ипак йўлининг дурдонаси

***Марказий Осиё орқали ўтган карвон йўллари дунё мамлакатларининг тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Буюк ипак йўли Навоий вилояти тарихида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Самарқанд ва Бухоро йўли устида барпо этилган ва узоқ тарихий воқеаларга шоҳид бўлган Работи Малик карвонсаройи, унинг ёнида жойлашган Сардоба бунга яққол мисол бўла олади.***

Тарих зарварақларида Марказий Осиёдаги монументал меъморчилик санъатининг ноёб дурдоналаридан бири сифатида эътироф этиладиган Работи Малик Бухорода ҳукмронлик қилган Қорахонийлар султонларидан бўлган Томғочхон Иброҳим ўғли Шамсулмулк Носир Иброҳим даврида (1068-1080) барпо этилган.

Манбаларда таъкидланишича, адолатли ҳукмдор сифатида танилган Шамсулмулк халқ осойишталигини ўйлаб, ўз ҳарбийларини аҳолидан узоқроқ сақлашга, уларга жабр қилмасликка ундаган. Унинг ўзи ҳам кўп ҳолларда шаҳар ташқарисидаги работларда яшаганлиги тарихий маълумотларда ўз аксини топган. У ўз тасарруфида бўлган ҳудудларни гўзал иморатлар билан безаш, катта йўл бўйларида работлар барпо этишга муваффақ бўлган. Шулардан бири Работи Малик мажмуасидир. Ўтмишда бу карвонсаройдан нафақат олис юртларга бораётганларнинг қўнимгоҳи, балки чегарани ёвлардан қўриқлаш истеҳкоми сифатида ҳам фойдаланилганлиги маълум. Кармана шаҳридан 18 километр узоқликда, Ҳазора қишлоғига яқин жойлашган Работи Малик карвонсаройи ўз даврида чорси ҳовли ҳамда турли машварату тадбирларни, кимошди савдоларини ўтказиш учун мўлжалланган катта зал ва хона-ҳужралардан иборат бўлиб, унга жануб томондаги пештоқли дарвоза орқали кирилган.

Тарих фанлари доктори, профессор Сулаймон Иноятовнинг "Амир Темур Работи Маликда" рисоласида бино ташқи деворларининг узунлиги 100 метрни, баландлиги эса 12 метрни ташкил этганлиги эътироф этилган. Тарихчи олимнинг таъкидлашича, деворнинг баландлиги унинг орқа томонидаги хоналарнинг икки қаватли бўлганлигидан дарак беради. Работнинг ўртасида улкан пештоқ бўлиб, унинг бўйи 18, эни эса 12 метрни эгаллаган. Мажмуа дарвозасининг қурилиши ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлган. Унда саккиз қиррали юлдузлар ҳамда турли геометрик шакллар мавжуд бўлиб, пештоқ чеккасида икки бурж ясалиб, улар ўзаро баланд девор билан ўралган.

Умумий майдони 400 кв. метрни ташкил этган карвонсаройда 10 қатор қилиб олтитадан диаметри 1 метрдан баланд эшик устунлари ўрнатилган. Муҳими, бу устунларнинг ўрни ҳозир ҳам сақланиб қолган. 60 устундан иборат бўлган мазкур обида Марказий Осиёда энг катта карвонсаройлардан бўлиб, бу ерда туя, от ва уларнинг юклари сақланган. Работи Малик карвонсаройи тарихи билан боғлиқ маълумотлар шуни кўрсатадики, унинг деворларининг тўртта бурчагида ҳам 18 метрли миноралар қурилган бўлиб, бу миноралар "Гулдаста" деб юритилган. Мозийнинг турли сиру- синоатларига шоҳид бўлган бу карвонсаройда аждодларимиз ўз қўллари билан ясаган ҳунармандчилик маҳсулотлари - зардўзлик, тош ва мармар буюмларини хорижий юртлардан келтирилган маҳсулотлар билан айирбошлаб, савдо-сотиқ билан шуғулланишган.

Карвонсаройдан тахминан 200-300 метр узоқликда Сардоба мавжуд бўлиб, унинг чанқоқни босувчи зилол сувидан ҳозирга қадар одамлар фойдаланишади. Сифатли пишиқ ғишт ва гилдан ишланган бу мажмуа жуда нодир қурилиш иншоотидир. Сардобани ички қисмини диққат билан кузатган одам унинг ҳовузи остига ганч қўшилган япалоқ ғиштлар териб чиқилганлигини сезади. Унинг устидан эса саксовулдан тайёрланган кўмир қатлами тўшалган. Аждодларимиз кўмир ер ости сувлари кўтарилганда зарарли тузларни ўзида сақлаш хусусияти борлигини инобатга олиб сардоба қурилишида ундан фойдаланишган бўлса ажабмас. Унинг девори цилиндр шаклида бўлиб, қалинлиги 1,5 метр атрофида, тепа қисми эса туйнукли тарзда қурилган.

Қадимда Работи Малик карвонсаройидан қўналға топган савдогарлар ва йўловчиларни тоза сув билан таъминлаб турган мазкур иншоот мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг таъмирланиб, унинг атрофлари ободонлаштирилди.

Мухтасар айтганда Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд, Мавлоно Ориф Деггороний, Амир Темур, Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоийдек буюк сиймоларнинг қадами теккан Работи Малик ва унинг сардобасини Буюк ипак йўлининг дурдонасига қиёсласак хато бўлмайди.

Қувонарлиси, мозийнинг турфа сиру-синоатига шоҳид бўлган бу қадимий масканни асл ҳолига қайтариш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 ноябрда тасдиқланган "Навоий вилоятида туризм индустриясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Дастурига асосан 2012-2015 йилларда Работи Малик карвонсаройини тўлиқ қайта тиклаш режалаштирилган.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● ТАҚДИМОТ

## Ўзбек миллий пазандалик санъати

### маданиятимизнинг ажралмас қисми

***Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ташаббуси билан пойтахтимизда миллий пазандалик санъати ривожига улкан ҳисса қўшаётган Ҳаким Ғаниев ҳамда Лилия Николенколарнинг "Ўзбек миллий ошхонаси", "Хонаки ҳалол таомлар", "Ҳаким Ғаниев билан шарқона зиёфат", "Палов тайёрлаш санъати" номли китоблар тақдимоти бўлиб ўтди.***

Ўзбек миллий пазандалик санъатини янада такомиллаштириш, дунё бўйлаб тарғиб қилиш, миллий таом турларининг профессионал тарзда тайёрлайдиган кадрлар салоҳиятини ошириш, пазандаликка оид китоб ихлосмандларининг муаллифлар билан жонли мулоқотини ташкил этишни мақсад қилган тақдимотда Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси аъзолари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши девони ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

***Акбар УМАРОВ, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси раиси:***

— Ўзбек миллий пазандалик санъати ноёб анъаналарининг турли-туманлиги билан дунё аҳлини ҳайратга солиб келади. Теран тарихий илдизларга эга, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан юртимизга ташриф буюрган нозиктаъб меҳмонлар ошпазларимизнинг юксак маҳоратию, таомларни тайёрлаш жараёнидан тортиб, уни шарқона меҳмоннавозлик ила дастурхонга тортилиши ҳамда бетакрор лаззати билан ажралиб турадиган таомларимизга ҳамиша тан бериб келишган.

Таъкидланганидек, тақдим этилган китоблар кенг оммага мўлжалланган. Китобларнинг рус тилида чоп этилиши эса миллий таомларимизга қизиқиши баланд бўлган хорижлик ошпазлар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

— Китобдан биргина палов тайёрлашнинг 60 дан ортиқ анъанавий усуллари, тарихи, таомнинг инсон саломатлиги учун фойдали жиҳатлари ўрин олган. Китоб ҳақида ўз фикримни баён қиладиган бўлсам, соҳамиз бўлгани учун ўзбек миллий ошхонасига оид китобларни йиғиб юраман. Иккала нашр ҳам ўта нафис ва аъло даражада тайёрланган, - дейди Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси аъзоси Ҳаким Ғаниев.

Тадбир якунида хорижий мамлакатлар умумий овқатланиш ташкилотларининг овқатлар тайёрлаш ва хизматлар кўрсатиш маданияти, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги илғор тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистон миллий пазандалик санъати ютуқларини намойиш қилиш ва халқаро майдонда ёйиш учун хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйишга келишиб олинди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

● НИГОҲ

## Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси

### тасарруфидаги маданий муассасалар кўпаймоқда

***Музей ва музейшунослик ҳақида гап кетганда кўз ўнгимизда ўтмиш ва кечаги кунимизга айланган тарих гавдаланади. Икки буюк хилқатни ўзида мужассам этган, тарих ва замонавийлик уйғунлашганини кўрамиз. Бугун юртимиз музейлари замон талаблари даражасида фаолият олиб бормоқда, янгидан-янги ноёб ашёлар билан бойиб, юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзида бой тарих, миллий қадриятларимизни жамулжам этган ана шундай музейлардан бири Самарқанд давлат музей-қўриқхонасидир. Музей бош директори Маҳмуд БОБОЁРОВ билан музей-қўриқхона фаолияти, унинг истиқболдаги режалари борасида суҳбатлашдик.***



**— Музейлар тўғрисидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар жорий этилганидан буён сизнингча бу борада қандай ўзгаришлар рўй берди?**

— Халқимизнинг кўп асрлик бой миллий маданияти ва анъаналари, ноёб тарихий обидалари, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни ўзида мужассам этган кўҳна ва навқирон Самарқанд мамлакатимизда туризм соҳасининг ривожланишида катта улуш қўшмоқда.

Музейлар ишини янада яхшилаш, юртимизга келаётган сайёҳларнинг истак ва хоҳишларини замон талаблари даражасида қондириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги Қонун соҳа ходимларининг масъулиятини янада оширди.

**— Соҳа мутахассислари фаолиятини замон талаби асосида ташкил этиш нималарда намоён бўлади?**

— Бугунги давр ҳар бир инсондан фикр доираси, дунёқараши кенгайишини, ўзи ва ўзгаларга эътиборини ўзгартиришни, маънавияти юксак, мулоҳазали ҳозиржавоб бўлишни талаб этмоқда. Шундай экан, музейга ташриф буюрган ҳар бир томошабинга малакали ва маданиятли хизмат кўрсатиш соҳа ходимларининг бош мақсади саналади.

**— Музей фондларида сақланиб келаётган ноёб экспонатларни илмий жиҳатдан ўрганиш, таъмирлаш, фондни янги экспонатлар билан бойитиш бўйича қандай ишлар қилинди?**

— Ҳозирда музейимизда 210 мингдан зиёд тарихий экспонат мавжуд. Уларни асрабавайлаш мақсадида 177 тасига ишлов берилиб, қайта таъмирланди. Фондимиздаги 443 та янги экспонатга бирламчи илмий ишлов бериш якунига етказилди. 300 та экспонат рақамли фотоаппаратга туширилиб, уларнинг электрон нусхаси яратилди. Экспозиция ва кўргазмалар учун 529 та экспонат танлаб олинди. Шунингдек, музей қўриқхонамиз фондидан Мудофаа вазирлигининг Қуролли Кучлар марказий музейига 32 та ашё доимий сақланиш учун тақдим этилди. Шаҳримизда олиб борилаётган янги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари тасвирланган 492 тадан зиёд суратлар ратификация қилиниб, компьютерга жойланган. Олти мингдан ортиқ негативлар ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида рақамлаштирилиб, DVD дискларга ёзилди. Фондимизда мавжуд айрим рангтасвир асарлар Нидерландияда бўлиб ўтган кўргазмада намойиш этилди.

Фондни янги экспонатлар билан бойитиш мақсадида ўтган йили археологик, этнографик, нумизматик, фото ҳамда рангтасвирга оид экспонатлардан иборат 450 га яқин асосий ва ёрдамчи музей ашёлари тўпланди.

**— Маҳаллий ва хорижий меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қисқача сўзлаб берсангиз?**

— Маҳаллий ва хорижий меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида шаҳримизнинг йигирмадан зиёд объектларида махсус йўлкўрсаткичлар аэропорт ҳамда темир йўл вокзалида сайёҳлик хизмати йўлга қўйилди. Интернет тармоғида музей-қўриқхонанинг веб-саҳифаси очилди. Музей ва мадрасаларимизда ҳам сервис хизмати йўлга қўйилиб, ходимларимиз махсус форма билан таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тасарруфимиздаги саккизта музей, жумладан, С.Айний уй-музейи, мадраса, иккита жоме масжид ва яна шунча мақбара давр талаби даражасида фаолият юритиб келмоқда. Улардаги хизматлар талаб даражасида бўлиши баробарида, экспонатлар бўйича давлат ва хорижий тилларда тушунчалар бериш ишлари амалга оширилмоқда. Гид-экскурсаводларимизнинг бой маданий меросимиз ва аждодларимиздан бизгача етиб келган тарихий ашёлардан иборат экспонатлар, обидалар ва шахслар тўғрисида мукаммал билимга эгалиги ишимиз самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Гид-экскурсаводларимиз ҳар томонлама билимли бўлиши ҳамда шу соҳага ихлос қўйган ёшлар учун музей қошида бепул ўқув марказини очдик. Албатта, бу ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Вилоят ва туман ҳокимликлари, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, сайёҳлик фирмалари, меҳмонхоналар, олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда умумтаълим мактаблари, ҳокимликнинг қуйи бўғини бўлмиш маҳаллалар билан ҳамкорликда оммавий тадбирлар ўтказиб келамиз. "Самарқанд: кеча ва бугун", "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", "Буюк ва муқаддассан мустақил Ватан", "Самарқанд кулолчилиги: 3000 йил", "Самарқанд — гуллар шаҳри" каби кўргазмалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтказилган халқаро кўргазмаларда ҳам муносиб иштирок этиб келяпмиз. ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Бадиий академия, Тошкент фотосуратлар уйи ҳамкорлигида янги кўргазмалар ташкил этиш устида ишлар олиб борилмоқда. Ўзбек-олмон илмий-маданий жамияти аъзолари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга муваффақ бўлдик.

**— Кейинги йилларда музей-қўриқхона тасарруфига киритилиши кутилаётган маданият муассасалари ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2012 йилларда Самарқанд вилоятида туризм хизматларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва туризм хизматларининг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари манзилли Дастури"га мувофиқ ўтган йили Самарқанд шаҳридаги Имом Ал-Мотуридий ёдгорлик мажмуаси, Нуробод туманидаги Ҳазрати Довуд ҳамда Ургут туманидаги Чорчинор зиёратгоҳлари музей-қўриқхона тасарруфига олинди. Айни пайтда ушбу масканларда ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек кўчасида Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи учун бино ажратилиб, айни пайтда реконстурукция ишлари олиб борилмоқда. Мазкур маконда "Ўзбекмузей" жамғармаси ҳамкорлигида янги экспозиция яратиш мақсадида бадиий безак лойиҳаси амалга оширилаётир. Жорий йилда қўриқхона маъмуриятининг ушбу кўркам бинога кўчиб ўтиши режалаштирилган.

Истиқболда музей-қўриқхона фондида сақланаётган ашёлар ва коллекциялар ҳисобидан миллий музей фондининг давлат каталогини яратиш, музейимизда Ўзбекистон тарихи, маданияти, санъати ва табиати тўғрисида маърузалар матнини тайёрлаш, экспозицион ва реэкстизицион ҳамда халқаро кўргазмалар ташкил этиш, жамоатчилик асосида ишлаётган музейларни аниқлаш ва уларга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон фанлар академияси Археология институти ходимлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда олиб борилаётган археологик экспедицияларда қатнашишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, Афросиёб шаҳарчасида "Суғдиёнанинг илк ўрта асрлар маданияти" мавзусида археологик тадқиқотларимизни давом эттириб, юртимиз тарихига оид қўшимча материалларни ўрганиш учун ходимларимизнинг хорижий давлатларга илмий сафарларини уюштиришни мақсад қилганмиз.

**Зубайдулла ИБРАГИМОВ,**
**Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бўлим мудири,**
**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ЖАРАЁН



(ЎзА) олган сурат.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

## Оилавий поликлиника

### аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

***Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларга юқори ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида шаҳару қишлоқларда оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти йўлга қўйилди. Ҳукуматимиз томонидан уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва янада ривожлантиришга қаратилган қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан тиббиёт масканларида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.***

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги “Соғлом авлодни шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2009 йил 1 июндаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмонан баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорлари соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Келажак авлодимизни жисмонан соғлом ва бақувват, юрт корига камарбаста қилиб вояга етказишда саломатлигимиз посбонлари бўлган тиббиёт ходимларининг ўрни ва вазифаси муҳим ҳисобланади. Уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидаги тиббиёт масканларида етарлича шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Натижада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора ортиб бораётир.

Олмазор туманидаги 20-сон оилавий поликлиникада ҳам бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилганлиги билан таҳсинга сазовордир. Поликлиника жамоаси аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб, беморларнинг дардига даво топишга эришаяпти. Мазкур поликлиника ҳудуддаги жами 12 433 та оила ва уларда истиқомат қилувчи 38 910 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Шундан 25 915 нафарини катталар ташкил этса, 2 238 нафари ўсмирлар, 0-14 ёшгача бўлган болалар сони 10 757, шунингдек, ҳудуддаги жами хотин-қизлар 20 924 нафарни ташкил этади. 10 050 нафар туғиш ёшидаги аёллар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтиб туришлари назорат қилиб борилади. Умумий аёллар сони 14 418 нафар бўлиб, 1146 нафари ўсмир қизлар ҳисобланади. Аҳолининг барча қатлами доимий равишда тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши режа асосида йўлга қўйилган. Бу эса аҳолига ҳам, тиббиёт ходимларига ҳам қулайлик туғдиради.

Юқорида қайд этилган қарорлар ижросини таъминлаш борасида 20-оилавий поликлиникада қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳудуддаги барча аҳоли, жумладан, туғиш ёшидаги аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилади. Тиббий кўрикни янада чуқурлаштириш мақсадида ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси саломатлик ҳафтаси деб эълон қилинган. Бундан ташқари, аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари ҳам режа асосида йўлга қўйилганлиги инсонлар саломатлигини муҳофаза қилинишида муҳим аҳамият касб этаётир.

— 2012 — “Мустаҳкам оила йили” поликлиникамиз ҳаётида хайрли кечди, - дейди биз билан суҳбатда 20-оилавий поликлиника раҳбари Фарида Фозилова. — Тиббий кўрик самарадорлигини янада ошириш мақсадида “Саломатлик — 3” лойиҳаси бўйича ультратовуш текширувини амалга оширадиган янги аппарат олиб келинди. Натижада касаллик аломатлари аниқланган беморларни имкон қадар тезроқ даволаш чоралари кўрилди. Бундан ташқари, УТТ аппаратининг мавжудлиги аҳолига ўз саломатлигини назорат қилиб боришлари учун қулайлик туғдирмоқда.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг ўз соғлиги устида масъулиятини шакллантириш мақсадида санитар тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилган. Бунинг натижасида кўпгина касалликларнинг олди олинмоқда. Инсонлар саломатлигини сақлашга қаратилган бу каби ишларимизни жорий “Обод турмуш йили”да янада кенгайтириб, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга жамоамиз билан биргаликда ҳаракат қилаяпмиз,- дейди раҳбар опа.

Ҳақиқатан ҳам поликлиника жамоаси бор тажриба ва имкониятларини ишга солиб аҳолига сидқидилдан хизмат қилишади. Аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича хирург шифокор Ғайрат Қудратов, юқумли касалликлар шифокори Рихсия Мақсудхонова, терапия бўлими бошлиғи Насиба Парпибоева, маҳалла шифокори Зуҳра Салдикова, Шоҳиста Хайруллаева, ҳамширалардан Ҳимоят Шарипова, Маҳмуда Арабжонова, Дилбар Расулова, Феруза Турғунова, Мадина Жўраева кабилар тажрибаси, намунали фаолияти билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган. Ходимлар малакасини янада ошириш, шунингдек, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш мақсадида шифокорлар мунтазам равишда малака ошириш тизими бўйича ўқитиб борилади.

Мазкур тиббиёт маскани аҳоли саломатлигига масъуллиги билан бирга ёш кадрлар тажрибасини оширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келади. Тиббиёт йўналишидаги коллеж ва ўқув марказларининг талабалари бевосита поликлиникада амалиёт ўташ учун келишади. Малакали шифокор ва ҳамширалар уларга бор билим ва кўникмаларини ўргатишга астойдил ҳаракат қиладилар.

Юртимизда бу каби тиббиёт масканларининг сифатли хизмат кўрсатиши инсонлар саломатлигини сақлашда, касалликлар профилактикасини ўз вақтида ва самарали ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани ҳаммамизни бирдек қувонтиради.

**Мухтарама КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

## Она ва болалик

### доимий муҳофазада

***Мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари мамлакатимизда аҳоли саломатлиги муҳофазасининг янада яхшиланишига ва соғлом турмуш тарзининг қарор топишига хизмат қилмоқда.***

Юртимизда барча аҳоли пунктларида, жумладан, марказдан олис чекка қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган даражадаги замонавий қиёфадаги кўркам тиббиёт масканларининг барпо этилиб, энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Гулистон туманида ҳам кейинги йилларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати кескин ошди. Туман аҳолисига бугунги кунда 1 та 160 ўринли марказий шифохона, 1 та марказий поликлиника ва 20 та қишлоқ врачлик пунктлари хизмат кўрсатмоқда. Ушбу тиббиёт масканларида 86 нафар юқори малакали шифокор, 761 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлиги йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Тиббиёт муассасалари кейинги йилларда “Саломатлик-1”, “Саломатлик-2” дастурлари асосида Осиё тараққиёт банки томонидан энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. 2007 йилда туман аҳолиси орасида сил касаллигининг олдини олиш ва хасталикни камайтириш мақсадида туманлараро сил касаллигига қарши кураш диспансери ташкил этилди. Сил хасталиги билан рўйхатга олинган беморлар ДОТС дастури бўйича шифохона ва амбулатория шароитида бепул даволанмоқдалар.

Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Туманда туғиш ёшидаги аёллар соғлигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Аҳоли ўртасида оилада тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини камол топтириш, камқонлик ва йод танқислигининг олдини олиш юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. “Она ва бола скрининг” маркази болаликдан ногиронликнинг олдини олиш, наслдан-наслга ўтувчи ирсий хасталиклар ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаб, уларни ўз вақтида бартараф этмоқдалар.

— Туманимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлардан ва кўрсатилаётган катта ғамхўрликлардан беҳад миннатдормиз, - дейди “Зарбдор” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Янглиш ая Йўлдошева. — Ҳар бир қишлоқ шифохонасида малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Дори-дармонлар етарли. Шифокорларнинг қўли енгил, ширинсухан.

Туманда қишлоқ шифохоналарининг манзилли дастур асосида мукаммал таъмирланаётганлиги аҳолига тиббий хизматлар сифатининг янада яхшиланишига замин яратмоқда.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

ТАЪЛИМ

## Ҳар соҳада фаол жамоа

***Дўстлик туманидаги 14-умумтаълим мактабида 815 нафар ўқувчига 54 нафар педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. Уларнинг 38 нафари Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзолари ҳисобланади.***

Тажрибали мураббий Нилуфар Толипова юқори синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш билан бирга ЎзМТДП бошланғич партия ташкилотига етакчилик қилади. Бошланғич партия ташкилотида Диёра Худойназарова, Достон Қўшмуродов, Диёрбек Фармонов каби тажрибали, ташкилотчи ва ўз вазифасига сидқидилдан ёндашадиган қўмита аъзолари бўлиб, улар иш фаолиятлари давомида педагог ва ишчи-техник ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини яхши йўлга қўйиш, жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий жиҳатдан етук жамоани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўқув даргоҳи бошланғич партия ташкилоти етакчиси Н.Толипова жамоанинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларни фойдали меҳнатга жалб этиш билан бир қаторда юқори синф ўқувчи қизларини мустақил ҳаётга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жамоадаги ҳар бир партия аъзосининг яшаш тарзи ва моддий шарт-шароитидан хабардорлиги боис уларнинг маданий дам олиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, тўй-ҳашамларни ўтказиш каби тадбирларга бош-қош бўлмоқда.

Шуниси қувонарлики, ўқув даргоҳида мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланиб бориш, айниқса, спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар уюштирилишига катта аҳамият берилмоқда. Турнир иштирокчилари сони ортиб, томошабинлар ҳам гавжумлашиб бормоқда. Биргина ўтган 2011-2012 ўқув йилида билим даргоҳида замон талаблари даражасида жиҳозланган спорт комплексининг фойдаланишга топширилиши барчани хурсанд қилди.

Маълумки, кўнглимизнинг фариштаси, хонадонимиз чироғи ва оила таянчи бўлган аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан кундалик турмушимизда ибратдир. Жамоадаги хотин-қизлар ҳам соғлом турмуш тарзини юритиш ва мустаҳкам оилани шакллантириш бўйича фаоллик кўрсатишмоқда. Жумладан, ўқув даргоҳида “Саломатлик бурчаги” ташкил этилган бўлиб, мунтазам зарур информацион материаллар билан таъминлаб бойитилмоқда. Тажрибали педагог Зуҳра Қамбарова раҳбарлигидаги “Руҳият уммони” тўгараги иш фаолияти мақтовга лойиқдир. Унга 25 нафар ўқувчи-қиз аъзо бўлиб, Шоира Турсунова ва Нигора Сайдуллаева вилоятда ўтказилган “Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси”, Муниса Абдулҳакимова “Президент асарларини ўрганамиз” кўрик-танловларида юқори натижаларни эгаллашди. Шоира Турсунова ва Ольга Зилотина эса ўтган ўқув йилида республика фан олимпиадаларида иштирок этишди.

Жамоа ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, тиббий маданият ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган кенг кўламли тарғибот ишларини амалга ошириш режалари ишлаб чиқилган. “Қиз боланинг касби - унинг бахти”, “Менинг оилам - мустаҳкам оила”, “Ораста қизлар”, “Балли, қизлар!” каби мавзулардаги кеча ва эрталиклар ана шулар жумласидандир. 2012 йил мобайнида 80 га яқин давра суҳбатлари, 25 дан ортиқ учрашув ва мулоқотлар ўтказилди. Яқинда репродуктив саломатлик бўйича учрашув ўтказилиб, унда Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икром Эрматов, туман тиббиёт бирлашмаси гинеколог-врачи Матлуба Аҳадова, маҳалланинг диний ва маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси Розия Имомова ва бошқалар қизларнинг балоғатга етмасдан турмушга чиқмаслиги, Оила Кодекси, оила психологияси ва соғлом оилани шакллантириш бўйича маслаҳатларни бериб, йиғилганларнинг қизиқтирган саволларига жавоб қайтаришди.

**Абдулла САИДОВ**

ОНА ТАБИАТ

## Асаларичилик

### етти хазинанинг бири

***Китоб давлат ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 44090 гектарни ташкил этади. Ўрмон билан қопланган майдонлар 12401, маданий ўрмонзорлар 1966, туташган ўрмонлар 339, кўчатхоналар 24, тақир ерлар 4830, яйлов учун ажратилган ер майдонлари 13532 ва бошқа ерлар 11410 гектардан иборат. Бир неча йиллар давомида ўрмон хўжалиги ўзига тегишли ер майдонларида ўрмонлардан самарали фойдаланиш, табиий ҳолда ўсган ўрмонларни ҳимоя қилиш, янги ўрмонзорлар барпо этиш, йўқолиб бораётган ўрмонлар ўрнига янги кўчатлар ўтқазиш ҳамда кўчатхоналар барпо этиш ишлари билан шуғулланиб келади.***

Сердаромад соҳани ривожлантириш давлат дастури доирасида ўрмон хўжалиги ишчи-ходимлари томонидан ўтган йил давомида талай ишлар амалга оширилди. Қирқ гектар майдонга ҳар хил турдаги мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилиб, янгидан ўрмонзор барпо этилган бўлса, 86 гектар майдонда ўрмонзорлар экиш ишлари амалга оширилди. 260 килограмм ҳар хил навли дов-дарахтлар уруғи сифатли ҳолда тайёрланди. Бундан ташқари, 12 гектар ер майдонига жами 580 минг дона мевали ва манзарали, япроқ ҳамда игна баргли ниҳол кўчатлари экилиб, парваришланмоқда. Доривор ва озуқабоп ўсимликлардан 900 кг. чой ўти, 800 кг. тоғ райҳони, 1000 кг. анзур пиёзи ҳамда 1500 кг. равоч етиштирилиб, давлатга топширилди.

Ерларни уруғ экиш учун сифатли тайёрлаш, уруғдан ниҳол ва кўчат етиштиришга ҳам жиддий эътибор қаратиб келинади. Жумладан, манзарали кўчатлардан япон сафораси, каштан туя, Шарқ биотаси, мевалардан олма, ўрик, шафтоли, кўксултон, гилос, нок каби кўплаб кўчат турларини етиштириш ва пайвандлаш, ўрмон ва яйловлардан оқилона фойдаланиш каби ишларда ўрмон хўжалигининг заҳматкаш ишчи-ходимларининг хизматлари катта.

— Ўрмон хўжалигида табиатни асраш ишларига жиддий эътибор қаратиш баробарида сердаромад соҳа — асаларичилик билан ҳам шуғулланиб келамиз, - дейди Китоб давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Исомиддин Мажидов. — Табиий асал ўз таркибига кўра жуда юқори қувватли маҳсулот ҳисобланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, унинг 100 граммида 300 калория қувват бўлади. Жумладан, асал таркибида инсон организми учун зарур бўлган юздан зиёд ҳар хил моддалар мавжуд бўлиб, унда углеводларнинг 42 хили мужассамлашган. Асаларичиликни етти хазинанинг бири сифатида таърифлашлари ҳам бежиз эмас. Табиатнинг бу ажойиб жонзоти нафақат асал, балки ҳаёт учун жуда муҳим бўлган шифобахш модда, асаларичилар тили билан айтганда «заҳар» ҳам ишлаб чиқаради. Фармацевтика саноати учун жуда зарур бўлган асалари заҳрининг бир грамми дунё бозорида ниҳоятда юқори баҳоланади. Улар сирасига яна дори-дармон сифатида ишлатиладиган прополис, мум, она ари сутини ҳам киритиш мумкин.

Суҳбатдошимиз фикрига қўшилиб шуни айтиш лозимки, асаларининг яна бир фойдали жиҳати бор. Асалари ўсимлик гулини четдан чанглантириш натижасида уларнинг турларини соғломлаштириш ва юқори маҳсулдор навларни вужудга келтиришга шароит яратади, ҳосилни эса маълум даражада оширади. Дунё олимларининг қайд этишларича, асаларилар чанглатиш воситасида инсониятни умумжаҳон озиқ-овқат захирасининг тўртдан бири миқдорида таъминлаб туради. Мисол учун, асаларилар ёрдамида чанглатилган майдонларда пахта ҳосилдорлиги гектарига 3-4 центнердан ошиши тажрибаларда кузатилган.

Шу боис ушбу тармоқни ривожлантиришга бутун дунёда долзарб вазифа сифатида қаралади. Мамлакатимизда ҳам бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, амалдаги йил бошида республикамизнинг барча тоифа хўжаликларида асаларичилик билан шуғулланувчи субъектлар сони 7 минг 10 тани ташкил этган. Бу 2009 йилга нисбатан 138 фоиз, асалари оилалари сони эса 168 фоизга кўпайганини англатади. Товар асал ишлаб чиқариш 2009 йилда 2 минг 339,4 тоннани ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 3 минг 786 тоннага етган ёки уч йилда 162,5 фоизга ошган. Биргина 2011 йилни оладиган бўлсак янгидан 917 та шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, 182 та фермер ва 10 та ўрмон хўжаликларида асаларичилик субъектлари ташкил этилиб, қўшимча 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Шунингдек, соҳани ривожлантириш учун тижорат банкларимиз томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши натижасида республикамизнинг турли ҳудудларида асаларичилик билан шуғулланувчилар сони йил сайин ортиб бораётир.

Ўрмон хўжалиги ходимлари ҳам ҳукуматимизнинг соҳа вакилларига яратиб бераётган имкониятларидан самарали фойдаланиб, бугунда 357 та асалари оиласини парваришламоқда. Ўтган 2012 йилда улардан 2 тонна соф асал олинган бўлса, жорий йил режасига кўра асалари оиласи сонини янада кўпайтириш, кўпроқ шифобахш асал олиш ва сотиш кўзда тутилган. Доно халқимиз бежизга асаларини (асаларичилик) оиланинг табиби, қолаверса, етти хазинанинг бири, деб айтмаган. Чунки асал инсон учун ҳам саломатлик, ҳам даромад манбаидир.

**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**БИЗНИНГ ШАРҲ**

## Экологик маданият

**Ўтган йилнинг 5-6-декабрь кунлари Ашхободда ўтказилган МДҲ давлатлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатор долзарб масалалар муҳокама этилиб, унда МДҲда 2013 йилни “Экологик маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили” деб эълон қилинди**



*Мазкур саммитда кўплаб масалалар қатори атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш билан баробардир». Экологик вазиятни яхшилашга таъсир кўрсатувчи омиллардан бири жамиятнинг ҳар бир аъзосида замонавий экологик дунёқарашни шакллантиришдан иборат.*

Сўнгги ўн йилликда дунё бўйича атроф-муҳит масалалари жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ажралмас қисми эканлигини англаш ошиб бормоқда. Инсоният фаолияти ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу бир томондан табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришига, иккинчидан, атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмол билан узвий боғлиқ атроф-муҳит масалаларининг келгусида янада илгарилаб бориши учун жаҳон миқёсида экологияга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Табиатга авайлаб муносабатда бўлиш сингари азалий анъаналаримизни тиклаш, ҳар бир инсон ва бутун жамиятнинг ахлоқий ҳамда маънавий тарбиясини такомиллаштириш ғоят муҳим. Бу борада мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган изчил экологик сиёсат юритилмоқда. Соҳа қонунчилиги шакллантирилиб, бу борада қатор давлат дастурлари ва миллий ҳаракат режалари амалга оширилаётир. Мамлакатимиз атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир барча халқаро ҳужжат ва конвенцияларга қўшилган, соҳага оид йирик халқаро лойиҳалар, жумладан, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси лойиҳаларини амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Айтиш жоизки, бу борада амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, маълумотларга кўра кейинги йилларда атмосферага ифлослантирувчи моддаларнинг ташланиши ҳамда ташланаётган ифлосланган чиқинди сувлар ҳажми 2 баробарга камайди. Шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларига ўтилиши пестицидлардан фойдаланишни 5 маротабага қисқартириш имконини яратди. Экин майдонлари тизимида дон, сабзавот ва картошка экинларини кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида сўнгги йилларда кўплаб суғориладиган ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Миллий қўриқхона, боғ, буюртмахона ва экомарказлар ривожланмоқда. Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни реабилитация қилиш тадбирлари фаоллик билан амалга оширилмоқда.

Табиий ва минерал хомашё захираларидан ноoқилона фойдаланиш, улкан саноат корхоналарининг бунёд этилиши натижасида чиқиндиларнинг катта миқдорда чиқарилиши асосий сув ҳавзалари ва ер майдонларини ифлослантириб бўлди. Шунинг учун ҳам халқаро кузатувчилар кейинги йилларда мазкур муаммонинг янада кескинлашганини таъкидлай бошладилар. Биринчи навбатда тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масала бутун сайёра муаммосига айланди, десак, муболаға бўлмайди. Она сайёрамизда экологиянинг тобора издан чиқаётгани Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва бошқа офатларни келтириб чиқармоқда. Натижада бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бораяпти. Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари, агар олди олинмаса, биринчи навбатда, Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралиянинг глобал иқлим ўзгаришлари туфайли жиддий ижтимоий можаролар ва муаммолар гирдобида қолажагини таъкидлашмоқда.

Атроф-муҳит муҳофазаси ва экология билан боғлиқ муаммолар Марказий Осиё давлатлари учун бегона эмас, албатта. Помир ва Тяншандаги музликларни ўрганиш ҳамда асраш дастури муаллифлари хулосасига кўра, минтақадаги сув захираларининг 60 фоизини ташкил этувчи музликлар бугун хавф остида. Мутахассисларнинг маълумотларича, биргина Федченко музлиги 1937 йилдан 2007 йилга қадар 1,5 километр узунлик ва 800 метр баландликда эриган. Сўнгги 60 йил давомида Марказий Осиёнинг жанубий қисмида ҳаво ҳарорати 1 даражага кўтарилгани музликлар эришининг жадаллашувига таъсир ўтказмай қолмаяпти. Иқлим исиши таъсиридан келгуси беш йил орасида тахминан 1,5 мингта катта-кичик музликлар батамом йўқ бўлиб кетиши мумкин.

АҚШдаги Блэксмут институти олимлари томонидан тарқатилган маълумотга кўра, Россиянинг Нижний Новгород вилоятидаги Дзержинск шаҳри мамлакатда атроф-муҳити ифлосланган шаҳарлар рўйхатини бошқариб бораётган бўлса, дунё миқёсида бешинчи кўрсаткични қайд этиб турибди. Норильск олтинчи, Приморье ўлкасидаги Рудная қўрғони еттинчи ўринда. Бу йилги рўйхатда собиқ иттифоқдаги Мойли-Сув учинчи, Чернобил АЭС иккинчи, Семипалатинск полигони тўртинчи, Сибирь кимё комбинати бешинчи, “Маяк” ишлаб чиқариш мажмуаси еттинчи поғонани банд этган.

Мамлакатимизда экологик маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида катта имкониятлар мавжуд. Анъанавий энергия манбалари қатори табиат инъоми қайта тикланувчи муқобил энергия — қуёш нури, шамол, биомасса манбаларидан фойдаланиш борасида қатор лойиҳалар татбиқ этилаётир. Мутахассислар айни пайтда арзон ва мақбул бўлган кичик-кичик ГЭСлар қуриш ҳам фойдадан холи эмаслигини таъкидлашмоқда. Айниқса, тоғ ва тоғолди ҳудудларида бундай электр манбаи ишлаб чиқариш иншоотларини қуриш қулай. Автотранспорт воситалари суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказилаётгани ҳам атроф-муҳит тозалигини таъминланаётир.

Пойтахтимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонлар Тошкентни экологик жиҳатдан дунёдаги энг тоза шаҳарлардан бири, дея эътироф этишяпти. Жаннатмакон ўлкамиз йилнинг 300 кун давомида қуёш тафтидан баҳраманд. “Ўзбекэнерго” ДАК қуввати 2 гВтдан ортиқ бир нечта қуёш электростанциясини қуришни режалаштирган. Лойиҳа қиймати 250 миллион доллар, қуввати 50 мегоВаттдан иборат биринчи қуёш станцияси Тошкент вилоятида барпо этилиши мўлжалланган.

Хорижлик сармоядорлар ҳам Ўзбекистонда қуёш батареяларини ўрнатишда ҳамкорлик қилиш ниятида. Зеро, қуёш батареясини Европадаги ривожланган мамлакатлар каби ҳар бир уйнинг томига ўрнатиш мумкин. Бир ярим ва икки киловаттлик панелдан хоналарни ёритиш, телевизор, компьютер ишлатишда фойдаланиш мумкин. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Юсуфхона қишлоғида эса шамол электростанцияси қурилади. Қуввати 750 киловатт, баландлиги 65 метр, диаметри 50 метрни ташкил этувчи қурилма табиий газни тежашда жуда қўл келади. 3 миллион долларга тушган бу шамол ёрдамида ҳосил бўлувчи электр манбаи қурилмасини қуришга кетган харажат 7 йилда қопланади.

Мутахассисларимиз Хитой, Германия, Дания, Жанубий Корея, Норвегия, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг тажрибасини ўрганишди. Бўстонлиқ тоғ зонасидаги қурилма хитойлик мутахассислар ёрдамида бунёд этилади. Ўзбекистон йилига 9 миллиард кубометр биогаз ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Ушбу технология йилига 7-11 миллион тонна карбонат ангидрид газини қисқартириб, 14 миллион тоннадан ортиқ биоўғит ишлаб чиқариш имконини яратади. Эндиликда биогаз қурилмаси ёрдамида 20 мВтгача электрэнергияси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

2017 йилгача ана шундай қурилмалардан 50 таси барпо этилади. Давлатимиз раҳбари томонидан бу йил “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши юртимиз аҳолисининг экологик маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда юксак масъулиятли вазифаларни амалга оширишга ундайди. Ҳар бир ўзбек оиласи ўз хонадони, уйи, атроф-муҳитни саранжом-саришта тутиши, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишларига эътиборни кучайтириши табиий.

Экологик муаммолар чегара билмайди. Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳар бир инсоннинг энг муҳим бурчига амалда айланмагунча, экологик масалаларга ечим топиш мушкул. Кейинги йилларда табиатдаги кескин ўзгаришлар уни асрашга эътиборни янада кучайтириш, омма эътиборини экологик муаммоларга қаратиш, инсонларнинг экологик билим ва маданиятини бойитиш, уларнинг экологик тафаккурини, онгини янада юксалтириш мақсадида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни изчил ва самарали тарзда амалга оширишни тақозо этмоқда.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

**● Инсонда табиатга муҳаббат, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш туйғусини шакллантиришда оилавий қадриятларнинг, оилада берилган тарбиянинг ўрни муҳимдир.**

**● Атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик тоза технологияларни амалиётга татбиқ этиш муаммолари билан узвий боғликдир. Кўп асрлар давомида чиқиндиларни нотўғри бошқариш табиий ресурсларнинг ўзгаришига, табиатнинг кутилмаган ўзгаришларига сабаб бўлмоқда.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Рейслар бекор қилинди

**Ҳозир Европанинг қатор давлатларида ноқулай об-ҳаво ҳукмронлик қилмоқда.**



Икки кун давомида ёққан тинимсиз қор оқибатида минтақанинг энг катта аэропортларидан бири — Франкфуртда 300 дан ортиқ рейслар бекор қилинган. Франция пойтахтидаги Руасси-Шарль де Голль аэропортида ҳам парвозларнинг 40 фоизи вақтинчалик тўхтатилган. Авиакомпания вакиллари мижозларга сафардан олдин аэропортдан об-ҳаво ҳақида маълумотларни олишни тавсия этишмоқда. Кучли қор ва қуюқ туман Лондондаги Хитроу аэропортидаги 10 фоиз рейсларнинг бекор қилинишига сабаб бўлган.

## Энг мақбул йўл

**Америкалик олимларнинг фикрича, тамаки маҳсулотларини тонгда чекиш инсон саломатлигига катта зиён етказади.**



Мутахассисларнинг узоқ текширувларидан сўнг уйқудан уйғонгандан сўнг чекилган сигарет нафақат ўпка саратони, балки бош ва бўйин саратонини ҳам келтириб чиқариши аниқланди. Тадқиқотлар натижасида эрта тонгда истеъмол қилинган тамаки маҳсулоти турли оғир хасталикларга чалиниш хавфини 80 фоиз ошириши маълум бўлди. Хитойлик олимлар эса тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш кўзга катаракта тушиши — кўз хиралашишига олиб келиши мумкин, деб таъкидламоқда. Маълум бўлишича, чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан кўзнинг ушбу турдаги касаллигига чалиниш хавфи анча юқори. Олимларнинг сўзларига кўра, катаракта тўғри даволанмаса, кўрликка сабаб бўлиши мумкин. Шу боис чекишдан бутунлай фориғ бўлиш энг мақбул йўл, дейишмоқда мутахассислар.

## Кунига 6 дақиқа етарлими?

**Австралиялик оталар ўз фарзандларига кунига 6 дақиқа вақт ажратади, холос.**



Янги Жанубий Уэльс университети олимларининг таъкидлашича, яшил қитъада фарзандлар тарбиясида 90 фоиз ташвиш оналар зиммасига, қолгани оталар бўйнига тушади. Европа мамлакатларида эса оталар ўз болаларига асосан дам олиш кунлари вақт ажратишади. Кузатувчиларнинг фикрича, бугунги глобаллашув шароитида ҳар бир ота-она, айниқса, европаликлар фарзанди учун кўпроқ вақт ажратиб, тарбиясига масъул эканини унутмаслиги лозим.

## Йўловчиларга чеклов

**Нью-Жерси АҚШда Нью-Йоркдан сўнг пиёдалар учун кўчани кесиб ўтаётганда мобиль телефонларда хабар ёзишни тақиқлаб қўйган иккинчи штат бўлди.**



Кейинги пайтда мазкур штатда йўловчиларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида пиёдалар кесиб ўтадиган йўлларда кўплаб нохушликлар содир бўлмоқда. Автоҳалокат қурбонлари йўлни кесиб ўтаётган вақтда айнан мобиль телефонида хабар ёзиш билан чалғиган. Хабарларга қараганда, қонунга риоя қилмаганлар 100 доллар жарима тўлайди. Эслатиб ўтамиз, Нью-Йоркда Нью-Жерсидан фарқли равишда йўловчи кўчани кесиб ўтаётганда нафақат мобиль телефонларда хабар ёзиш, балки гаплашиш ҳам мумкин эмас.

*Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди*

**РАНГИН ДУНЁ**

## Эйфел минораси

*“Эйфел минораси, бу — Париж, Париж — бу Эйфел!” дейишади одатда французлар. Эйфел нафақат Франция пойтахти, балки мамлакат рамзи ҳамдир. XIX асрда яшаган франциялик меъмор Александр Гюстав Эйфел (1832-1923 й.й.) ижодига мансуб бу нодир асар Марс майдони теграсида, аниқроғи, Сена дарёси устига қурилган улкан Енс кўприги рўпарасида қад ростлаган.*

1889 йили Франция афсонавий инқилобининг 100 йиллигини нишонлашга ҳозирланмоқда эди. Бу тантана муносабати билан Парижда жаҳон кўргазмасини ўтказишга қарор қилинади. Кўргазма ўтказиладиган махсус бино лойиҳаси учун танловда Эйфел фирмаси ғолибликни қўлга киритди. Аммо, ҳукумат ҳаддан зиёд қимматга тушадиган иншоотни маблағ билан таъминлай олмаслигини айтади. Шунда меъмор минора қурилганидан кейинги 20 йил ичида ташрифчилардан тушадиган даромад унинг фирмасига берилса, керакли маблағнинг 75 фоизини ўзи тўлашини маълум қилади. Эйфелнинг бунчалар “содда”лигидан ҳайратга тушган ҳукумат раҳбарияти унинг таклифига рози бўлди. Кейинчалик эса минорани томоша қилиш учун нафақат французлар, балки хорижликлар ҳам оқиб келаётганини кўргач улар нақадар катта даромад манбаидан мосуво бўланганликларини тушуниб етишди.

Минора лойиҳаси халқ муҳокамасига қўйилганида, норозиликлар тўлқини кўтарилди. Париж ёзувчилари ва рассомлари ҳукумат раҳбариятига ҳамда бутун француз халқига мурожаат қилиб, миноранинг хунук завод қувурига ўхшаши, занглаган темир-терсак уюми ва дидсизлик рамзидан бошқа нарса эмаслигини кўрсатишга уринишди. Бошланажак қурилишдан энг қаттиқ жунбушга келганлар орасида Ги де Мопассан ва кичик Александр Дюма ҳам бор эди. Саноатчилар гуруҳи Париж аҳлига мурожаат қилиб, Париждаги Биби Марям ибодатхонаси ва Лувр сингари меъморий обидаларнинг ҳуснига доғ бўлиб тушувчи 300 метрли “темир мажруҳ”нинг қурилишига қаршилик кўрсатишга чақиради. Маҳаллий маданият арбоблари бошчилигида ишчиларнинг норозилик намойишлари ўтказилади.

Шунга қарамай, Эйфел барибир ғолиб чиқди. Парижнинг бўлғуси рамзи 1887 йил январда қурила бошланган бўлса, 1889 йили 30 мартда якунланди. Улкан бунёдкорлик ишида 300 нафар ишчи кучидан фойдаланилди. Шаклларнинг ҳар бири аниқ, хавфсиз ва чидамли бўлишини таъминлаш учун 12 мингта металл деталлар ишлатилди. Уларни бир-бирига пайвандлаш учун 2,5 миллион парчиндан фойдаланилади. Умумий вазни 10 минг 100 тонна (шундан 7,3 минг тоннаси металл конструкциялари), қуйи қисми квадрат пирамида шаклида, тумшуғида маёқ ва павильон, юқори қисмида 1,7 метрли майдонча бўлган баҳайбат иншоотни тиклаш ва бошқа хизматлар учун 7,8 миллион франк сарфланди.

Минорага ўрнатилган дастлабки икки лифт гидравлик насослар ёрдамида ишлатилганди. Аммо улардан қаҳратон қиш кунлари фойдаланишнинг иложи бўлмасди. Шунга қарамай, бу кекса лифтлар 1983 йилгача, яъни электродвигателли лифтлар ўрнатилгунгача томошабинлар эҳтиёжи учун хизмат қилди. Улардан ҳозир ҳам фойдаланилади. Чунки тарихни ҳис қилиш, XIX аср илму фани билан яқиндан танишиш учун бу лифтларга миниб, юқорига кўтарилишнинг завқи бўлакчада. Лифтга чиқишдан қўрқадиганлар эса 1792 та зинадан ҳатлаб минорага чиқишлари ҳам мумкин. Мустаҳкам бетондан қуйилган пойдеворларга махсус пружинали мослама — поафзал «кийдирилган». Шунинг учун иншоотнинг хавфсизлиги борасида ташвишланмаса ҳам бўлади. У энг кучли бўрон (180 км/соат) турган тақдирда ҳам 18 сантиметргача тебраниши мумкин, холос.



Бино фойдаланиш учун топширилгандан бошлаб олти ой ичида 2 миллион томошабинни ўзига жалб қилди. 1898 йилда Эжен Дюкрет Эйфел минораси ва Пантеон (машҳур кишилар дафн этиладиган бино, даҳма)нинг 4 километрлик оралиғида биринчи телеграф алоқаси сеансини ўтказди. 1903 йилда генерал Ферре симсиз алоқа бўйича тажрибалар ўтказди ва бу нарса «темир иншоот»дан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш бошланганига ишора эди. 1906 йилдан бошлаб, у қурилгунга қадар, дунёдаги энг баланд бинолардан ҳисобланган Хеопс пирамидаси (137 м.), Кёлнс (156 м.) ва Улмс (161 м.) черковларидан деярли икки марта баланд иншоотда мунтазам радиостанция фаолияти йўлга қўйилди. 1921 йилда биринчи тўғридан-тўғри радиоэшиттириш эфирга узатилди, унинг кенг жамоатчиликка сифатли етиб боришини таъминлаш мақсадида минора тепасига махсус антенна ўрнатилди. 1922 йилда «Эйфел минораси» деб номланган радиодастур ташкил қилинди.

Дастлаб Эйфел билан тузилган шартномада минора 20 йил қад ростлаб туриши, кейин эса бузиб ташланиши кўзда тутилганди. Бу муддат ичида минора туфайли Эйфел жудаям бойиб кетди. Вақтлар ўтди, бироқ минорани бузиб ташлаш энди ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. 1957 йилда минорага 20,75 метрлик пўлат конструкция, параболик антенна ва бир неча ўнлаб алоқа тизимлари ўрнатилиб, тўлиқ телевизион минорага айлантирилди. Эйфел минорасининг биринчи ёритгичлари 10 мингтани ташкил қилган бўлиб (1887 й.), улар газ ёрдамида нур таратарди. Бундан ташқари, иккита прожектор ва маёқ ҳам унинг тунги либоси вазифасини ўтайди. Чироқлар Франция байроғидаги кўк, оқ ва қизил рангларда тусланади. 1900 йилда хира нурланувчи электр чироқлари, 1985 йилда эса тилладек товланувчи чароғон чироқлар минорага янгидан ҳаёт бағишлади.

**Зафар МУҲАММАД**

# НИГОҲ

СПОРТ

## Ўзбек жанг санъати

### қўҳна юртнинг қадимий ва навқирон спорт машқи

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2009 йилда Ўзбек жанг санъати федерациясининг ташкил этилиши бунинг ёрқин исботидир. Ўзбек жанг санъати миллий спортимизнинг қадимий ва навқирон турларидан бири бўлиб, яккакурашда аждодларнинг қўл жанги санъати, кураш, етти тирсак каби беллашув усулларига хос энг сара, мукаммал ҳаракатлар мужассамлашган спорт туридир. «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг Ўзбек жанг санъати федерацияси президенти Пўлат УСМОНОВ билан суҳбати ушбу жанг санъати тарихи, моҳияти ва фалсафаси, натижа ҳамда истиқболи хусусида бўлди.*

— Ўзбек жанг санъати тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. У спортчига нафақат жисмоний, балки маънавий ва руҳий озуқа ҳам беради, - дейди Пўлат Усмонов. — Мазкур спорт турини янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, улуғ аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни келажак авлодларга бекаму кўст етказиш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади.

Бугунги кунда Японияда каратэ, дзюдо, айкидо, Жанубий Кореяда тангсу-до, тэквон-до каби спорт турлари дунё халқлари олқишига сазовор бўлмоқда. Ўзбек жанг санъати ҳам ана шундай спорт турларидан саналади. Бундан 400-500 йиллар муқаддам ўнлаб яккакураш турлари, юзлаб ўйинлар мавжуд бўлганки, улар тарихий қўлёзмаларда ўз ифодасини топган. Лекин ўтган асрдаги мустабид тузум даврида ноёб қадриятларимиз унутилиш даражасига келиб қолган эди. Ўзбек жанг санъатининг ташкил топганига унча кўп вақт бўлмаган бўлсада, ўтган давр мобайнида салмоқли ишлар амалга оширилди. Халқаро талабларга жавоб берадиган бу спорт турининг қонун-қоидаси, либоси, мусобақа жараёнида ишлатиладиган терминлари ишлаб чиқилди. Жойларда ўқув-семинарлар, конференциялар ташкил этилди. Ўзбек жанг санъати бўйича кўргазмали мусобақалар, семинарлар нафақат юртимизда, балки чет мамлакатларда ҳам ўтказилиб келинмоқда. Натижада ушбу спорт тури халқаро майдонда ўз нуфузига эга бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон каби бир қатор давлатларда ташкил этилган кўргазмали мусобақаларда миллий спортимиз кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди. Шу ўринда айтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда 50000 нафардан зиёд ёшлар мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Ўзбек жанг санъатида 5 та йўналиш мавжуд. Улар мусобақа, жанговар йўналиш, Темурийлар жанг усули, соғломлаштириш машқлари, қўл санъати йўналишларидир. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар Ўзбек жанг санъати билан шуғулланишлари мумкин.



— **Маълумки, ҳар бир спорт турининг ўзига хос жиҳатлари бор, Ўзбек жанг санъатининг бошқа спорт турларидан фарқли томонлари нималарда намоён бўлади?**

— Албатта, Ўзбек жанг санъатининг бошқа спорт турларидан фарқи шундаки, аввало, биз спортчиларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаймиз. Спортда ватанпарварлик туйғуси йўқ экан, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Яна бир муҳим жиҳати эса, ушбу спорт турига кириб келган ҳар бир спортчи Ватанимизга, Юртбошимизга қасамёд қабул қилади. Сабаби, шу юртнинг фарзанди эканмиз, ҳар биримиз Ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлида масъулмиз. Бу эса спортчилар ўртасида соғлом муҳит шаклланишига замин яратади. Будан ташқари, мазкур спорт турига доир йигирма етти хил машқлар мажмуасининг ҳар бири буюк боболаримиз исмлари билан номланди. Булар "Широқ" "Тўмарис", "Спитамен", "Беруний", "Аҳмад Фарғоний", "Жалолиддин Мангуберди", "Темур Малик", "Паҳлавон Маҳмуд", "Амир Темур", "Бобур Мирзо" каби машқлар мажмуасидир. Таъкидлаш жоизки, мазкур спорт турлари барча атамалар ўзбек тилида қўлланилади.

— **Хар қандай спорт турининг равнақ топишида мураббийлар муҳим роль ўйнайди. Ўзбек жанг санъатини ташкил қилинганлигига кўп вақт бўлмаганлигини эътиборга олсак, ушбу спорт турини оммалаштиришда мураббийларнинг ўрни қандай?**



— Ўзбек жанг санъати федерацияси мутахассислари 2009 йилнинг ўзида Россия, Қозоғистон ва Жанубий Кореяда ўтказилган спорт анжуманларида янги миллий спорт турини халқаро ҳамжамият эътиборига муваффақият билан ҳавола қилишди. Федерация мазкур спорт турини дунёга янада кенгроқ танитиш мақсадида Кураш халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликда йирик мусобақаларда кўргазмали чиқишлар уюштириш, хорижлик мутахассис ва спортчилар учун жанг кураши бўйича илмий-амалий семинарлар ташкил этиш, уларнинг малакасини ошириш, халқаро миқёсда фаолият юритадиган кадрлар тайёрлаш каби масалалар борасида кенг кўламли ишлар олиб бормоқда. Бундан ташқари, хорижий давлатлар ва мамлакатимиз аҳолисини ушбу спорт туридан кўпроқ хабардор қилиш мақсадида иккита қўлланма ишлаб чиқдик. Биттаси машқ ҳаракатлари бўйича, иккинчиси, назария ва машқ ҳамоҳанглигини таъминлашга қаратилган қўлланма бўлиб, уни профессор Талъат Исломхўжаев билан ҳаммуаллифликда нашр этдик. Мазкур қўлланмада мураббий оддий ўргатувчи эмас, кучли мутахассис бўлиши, одам анатомияси, биринчи ёрдам ва спортчиларга қандай овқатларни истеъмол қилиниши, калорияси каби керакли маълумотлар киритилган. Мураббийларни тайёрлаш жараёнига тўхталадиган бўлсак, 2008 йилдан малакали мутахассисларни тайёрлашни бошладик. Бугунга келиб спортчиларимиз 300 дан зиёд етук мураббий ва мутахассислардан Ўзбек жанг санъати сирларини ўрганмоқда. Ҳозирда "Миробод" спорт мажмуасида мураббийларнинг доимий малакасини ошириш борасида турли дарс ва семинарлар ташкил қилиб, мутахассислар билимлари узлуксиз равишда ошириб борилмоқда.

— **2012 йилда федерация томонидан ушбу спорт турини ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Аввало, ўтган йилда биз илк бор Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида яккакурашлар ва жанг санъатлари бўйича халқаро турнирда иштирок этиб, саккизта медални қўлга киритдик. Ушбу нуфузли мусобақада жаҳоннинг 200 га яқин ҳар хил турдаги яккакурашлар спорти вакиллари қатнашди. Бундан ташқари, Жанубий Кореяда ўтказилган миллий спортлар фестивалида иштирок этиб, Ўзбек жанг санъати спортини яна бир бор хорижлик ҳамкасбларимизга намойиш этдик. Ўтган йили "Ўзбек жанг санъати тарихи ва лавҳалари" номли китоб чоп этдик.

— **Жорий йилда федерациянинг олдидаги режалар ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз?**

— 2013 йилда Франция давлатида Бутунжаҳон яккакурашлар фестивали ўтказилади. Унга дунёнинг энг яхши жанг санъати спорт турлари танланади. Биз ҳам Ўзбек жанг санъати бўйича маълумотларни ташкилотчиларга тақдим этдик ва бу уларга маъқул келди. Бундан ташқари, Испанияда WASKO яккакураш тури бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Ушбу чемпионатда ҳам Ўзбек жанг санъати вакиллари иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

**Фармонбек МАТНАЗАРОВ**

ҲИКМАТ

***Ҳаётда ҳеч нарса машаққатли меҳнатсиз қўлга киритилмайди.***

* * *

***Бошқаларни ҳурмат қилиш ўз-ўзини ҳурмат қилишга олиб келади.***

РИВОЯТ

## Муомала одоби

Бир куни мева-чева арчиб ўтирган файласуф Диоҳен йўлдан ўтаётган Аристиппга:

— Агар сен ҳам мана шу сабзавотларни еб қаноат қилганингда, бойларнинг хонадонида хизмат қилишга мажбур бўлмас эдинг, — деди киноя қилиб.

— Ўзинг эса, — деди Аристипп, — одамлар билан муомала қилишни билганингда сабзавот арчиб ўтирмасдинг.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Олма

**Кўпчилик олмада темир моддаси ва С витамини кўп, уни ошқозонида яраси бор кишилар ейиши мумкин эмас, деб ўйлайди. Аниқланишича, олмада темир моддаси жуда кам. Аскорбин кислотаси ҳам кўп эмас. С витамини эса олмага қараганда апельсинда ўн баробар кўп.**



Олма ошқозон ярасини даволашда жуда фойдали. Айниқса, юрак хасталиги, гипертония, қони қуюқлашганда аспирин қабул қиладиган беморлар ҳазм қилиш аъзоларида яра пайдо бўлишининг олдини олади. Олимларнинг таъкидлашича, олма аспириннинг ошқозон шиллиқ қаватига салбий таъсирини йўқотади. Бунинг учун аспириндан кейин олма еб юбориш керак. Буйрак оғриқларида беморлар ҳам кўп олма истеъмол қилиши тавсия этилади. Олма таркибидаги нитратлар сўлак безларида азот оксиди ҳосил қилади. Бу эса ошқозонни нафақат яра пайдо бўлиши, саратон касаллигидан ҳам асрайди. Шу билан бирга, олмада катехинлар ва хлороген кислоталар борлиги аниқланган. Улар нитратларнинг ёмон асоратларига барҳам беради. Шунга кўра, мунтазам олма еган одам хасталикдан ўзини асрайди. Бундан ташқари, олма юрак ва қон-томир тизими хасталикларида ҳам фойда беради. Шунингдек, инфаркт, инсульт, атеросклероз касалликларининг олдини олиш хусусиятига эга.

БИЛАСИЗМИ?

Матн тез ўқилганда кўз камроқ чарчайди. Инсонларнинг 95 фоизи жуда аста ўқийди: дақиқасига 180-220 сўз (ўртача ҳисоблаганда 1 саҳифага дақиқа сарфлашади). Аньанавий ўқишда тушуниш даражаси 60 фоизни ташкил этса, тез ўқиганда бу даража 80 фоизга кўтарилади.

* * *

Дунёдаги энг кичик эскалатор Японияда жойлашган. Кўтарма механизмнинг узунлиги бор-йўғи 83 сантиметрни ташкил қилади.

ТУРФА ОЛАМ

## Ҳовузи бор балкон

**ҲИНДИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА ШАҲРИ МУМБАЙДА БУНЁД ЭТИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ИККИТА ОСМОНЎПАР БИНОНИНГ БАЛКОНЛАРИ БАССЕЙН КЎРИНИШИДА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛДИ.**



«Aquaria Grande» дея ном берилган 200 хонали бу иншоот гонконглик архитектор Жеймс Лев ва Ҳиндистоннинг «Wadhwa Group» ширкати лойиҳаси асосида қурилиши кутилмоқда. 37 қаватли 2 осмонўпар бинонинг 3 қавати автопарк, сауна ва спорт салонлари учун ажратилади. Бироқ, ҳалитдан баъзи бир мутахассислар бино балконларида бассейннинг бўлиши фожиага сабаб бўлиши мумкин, деган хавотирга тушмоқда.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

### Брюсселда концерт берди

**Бельгиянинг етакчи маданият марказларидан бири "Art Center Bozar"да Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиеванинг яккахон концерти бўлиб ўтди.**

Таникли мақом ижрочисининг концерт дастурида кўпмиллатли мамлакатда истиқомат қилувчи санъатсевар халқ ва элат вакиллари иштирок этди. Европалик санъат мухлислари қалбини ўзбек мақомининг моҳирона ижроси яна бир бор забт эта олди. Мутахассисларнинг эътирофича, ана шу саҳнадан туриб концерт берган жаҳон мусиқа юлдузларининг ҳеч бири Мунохат Йўлчиеваддек томошабинлар олқишига сазовор бўлмаган.

### Ўзбекистон 11 поғона юқорилади

**Халқаро футбол уюшмаси (ФИФА) жаҳон футбол жамоаларининг жорий йилдаги янги рейтингини эълон қилди.**

ФФ тарқатган маълумотларга кўра, рейтинг натижалари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 11 поғона юқорилаган. 555 балл билан 56 ўриннни забт этган терма жамоамиз Осиё қитъасида тўртинчи ўрин билан пешқадамлар сафида бормоқда. Ушбу рўйхат бошида Япония терма жамоаси турибди. Умумий рейтинг рўйхатида эса японлар 21 ўриндан жой эгаллашган. Жанубий Корея ва Австралия терма жамоалари эса қитъамиз бўйича 2- ва 3-ўринларни банд этишган.

**"Туркистон-пресс"**

### Янги мавсум янгиланган бинода

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри биноси реконструкция ишларидан сўнг бутунлай янгича қиёфа касб этди.**

Театрнинг ижодий жамоаси янги мавсумни янгиланган бинода "Алпомиш" спектакли билан бошлади. Бино ичкариси миллий нақшлар билан безатилди. Томоша залига ҳавони мўътадил сақлаб туриш учун замонавий совитгич ва иситгич мосламалари ўрнатилди, ўриндиқлар, саҳна безаклари янгиланди. Шунингдек, томоша зали, репетиция хоналари, театр фойеси тубдан таъмирланиб, томошабинлар ва актёрлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

**ЎзА**

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

## Тасвирий санъат

### туйғулар, хаёллар, орзулар фалсафаси

*Ёш рассомлар ижоди юзасидан ўтказилаётган кўргазмани томоша қилар экнман, ранг-баранг ижод намуналари орасидан бири диққатимни ўзига жалб этди. Тик қўққи, омонатгина бир-бирига суяниб турган тошлар орасида гуркираб ўсган ёнғоқ дарахти ғуж-ғуж мева туккан. Ажабо, она табиат мўъжизасига қаранг?! Ёхуд уни дарахт тимсолидаги инсон иродасига, яшаш учун курашига менгзаш мумкин.*

Кичик асардан ўзига хос маъно ахтариб, кўнглингизда туғфа ўй-кечинма, ўзаро баҳс кечади. Кўргазмада рассомнинг "Болалик", "Умр чизгилари", "Тонг", "Қишлоқда куз", "Она", "Огоҳ бўлинг", "Бахт қўшиғи" каби ижодий ишларини кузатиб, беихтиёр унинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш истаги туғилди. Ёш рассом Азизбек Эштемиров айни пайтда Тошкент архитектура ва қурилиш институти "Қишлоқ хўжалик қурилиши ва уни лойиҳалаш дизайни" факультети 2-босқичи талабаси экан. Болалигидан расм чизишга чуқур меҳр қўйган Азизбек 2002-2008 йилларда Жиззах вилоят амалий ва тасвирий санъат мактаб-интернатида, сўнгра архитектура ва дизайн йўналишидаги коллежда ҳам таҳсил олибди. — Менинг тушунчамда тасвирий санъат — бу туйғулар, хаёллар, орзулар фалсафаси. Устозларим сабоқ берганидек, у инсонлар қалбида эзгулик, гўзаллик, яратувчанлик тушунчаларини пайдо қилиши керак, - дейди Азизбек. — Мени ижодга ундовчи энг биринчи омил — она табиат, борлиқ. Борлиқ — гўзаллик манбаи. Ундаги гўзаллик ранглар жозибасида акс этади.

2004 йилда "Соғлом авлод" жамғармаси Жиззах вилоят бўлими ҳомийлигида илк шахсий кўргазмаси ташкил этилган Азизбекнинг бугунгача 200 дан зиёд ишлари турли кўргазмаларда юқори баҳоланди. Кўплаб асарлари халқаро кўргазмаларда намойиш этишга муносиб деб топилди. Ўзбекистон Бадиий Академияси, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши ва бошқа қатор нуфузли ташкилотлар томонидан ташкил этилган "Энг улуғ, энг азиз", "Бунёдкорлик жараёнлари - мусаввир нигоҳида" каби республика кўрик-танловларида фахрли ўринларни қўлга киритди. У шунингдек, аньанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Келажак овози" ёшлар мега танловининг доимий иштирокчиси. Тасвирий санъатдан ташқари, ҳайкалтарошлик, архитектура ва дизайн йўналишидаги ишлари билан танловнинг республика босқичида мувафаққиятли иштирок этиб келмоқда. — Тасвирий санъат билан бир қаторда ҳайкалтарошлик, архитектурага ҳам қизиқишим юқори. Санъатнинг бу турларини ўзаро омухталаштириш, туркум асарлар яратиш ниятидаман. Санъатнинг асосий вазифаси яратувчанлик, бунёдкорлик. Бу эзгу тушунчалар йўлида ижод қилиш эса энг эзгу орзуим,-дейди у.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## Ошпазлар машварати

**ДУБАЙ ШАҲРИ ДУНЁНИНГ МАНАМАН ДЕГАН ОШПАЗЛАРИНИ БИР ЖОЙГА ТЎПЛАБ РЕКОРД НАТИЖАНИ ҚАЙД ЭТДИ.**



Манбада келтирилишича, ҳозирга қадар 2847 нафар ошпазни ҳеч ким бир жойга тўплай олмаган. Ана шу йўналишда бундан аввалги рекордни Жанубий Кореянинг Тежон шаҳри ўрнатган эди. Ўшанда кореяликлар заминига 2011 нафар ошпаз ташриф буюрган. Бироқ, орадан олти ой ўтиб ошпазлар Дубайга тўпланишди. Бу гал уларнинг сони 836 нафарга кўплиги боис, янги рекорд ўрнатилди. Ошпазлар машварати Дубайнинг энг катта отчопар майдонида бўлиб ўтди. Шу куни ошпазларга маҳаллий таом ва ширинликлар тортиқ этилди. Айтиш жоизки, мазкур тадбир мамлакатга дунё сайёҳларини янада кўпроқ жалб этиш мақсадида ҳам уюштирилган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Гафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 119, Адади — 13926. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Зафар МУҲАММАД
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.40.
ISSN 2010-7714
1 2 3 4 5